ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ: **Бизнес юритишнинг янги шакли** 5-бет ▶




7 (1325)-son 16-fevral 2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz


## УШБУ СОНДА:


**Исмоил САФАРОВ:** Ўн йиллардан кейин нафақат талабалар, мактаб ўқувчилари ҳам дастурлашни яхши ўзлаштирган бўлишади **7-бет**

**СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ** Газланган ичимликларнинг нимаси хавфли? **10-бет**

**ЕТТИДАН ЕТМИШГАЧА** Компютер ва интернет сабоқлари **11-бет**

**ИНСОН ВА РОБОТ** Темиртанлар ўн минг ишчини ишсиз қолдиради **12-бет**

**ҚОНАРБАЕВ ЯРАТГАН ДАСТУР** Болаларга инглиз тилини ўргатишда ёрдам беради **15-бет**


**МОБИЛ ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ЭНГ ЮҚОРИ МАМЛАКАТЛАР**

| # | МАМЛАКАТ | ТЕЗЛИК |
|---|---|---|
| 1 | НОРВЕГИЯ | 61.2 |
| 2 | МАЛТА | 54.4 |
| 3 | НИДЕРЛАНДИЯ | 54.2 |
| 4 | СИНГАПУР | 54.0 |
| 5 | БАА | 50.2 |
| 6 | ИСЛАНДИЯ | 50.1 |
| 7 | АВСТРАЛИЯ | 48.9 |
| 8 | ВЕНГРИЯ | 48.6 |
| 9 | КАНАДА | 45.6 |
| 10 | ЛЮКСЕМБУРГ | 45.5 |

МАНБАЛАР: Hootsuite, we are social

## ИНҲАнигина эмас, ОКСФОРДни ҲАМ КЎЗЛАШЯПТИ

4-бет ▶





## ЯГОНА ИНТЕГРАТОР

### Ҳукуматнинг рақамли операторига айланиш тараддуди

Кеча Hyatt Regency Tashkent меҳмонхонасида UZINFOCOM-2018 конференцияси бўлиб ўтди. Ягона интеграторнинг Ўзбекистон АТ-бозоридаги мақсад ва вазифалари, фаолиятидаги янги усуллар, ҳамкорлар ва буюртмачилар билан ўзаро муносабатлари ҳақида маълумот бериш мақсадида ташкил этилган ушбу анжуманда глобал вендорлар, тизим интеграторлари, ахборот тизимларини мустақил ишлаб чиқувчилар ва халқаро консалтинг компаниялари қатнашдилар.

Замонавий рақамли жамиятни шакллантириш кучли ва жадал иқтисодий ўсишга эга ривожланган давлатларни аниқловчи йўналишлардан биридир. Ўзбекистонда ушбу модел жаҳон ҳамжамиятида мамлакатнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, унинг бошқарувини такомиллаштириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида қабул қилинган.

2-бет ▶

САЙЁР ТЕЛЕКОМ

## ХОНАДОНИНГИЗГА ИНТЕРНЕТ КЕРАКМИ?

**"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали бир ташаббусга қўл урди**

Япония интернет провайдерлари "Интернет худди ҳаводек бўлиши лозим" шиори бўйича хизмат кўрсатишар экан. Дунёда энг тезкор ва кенг қамровли интернет тизимларидан бирига эга бу мамлакатда 2000-йилларнинг бошларида глобал тармоққа уланиш аҳволи у қадар яхши бўлмаган. Бошқа ривожланган мамлакатлар қатори японлар ҳам тезкор, ҳамёнбоп ва ҳаммабоп интернетсиз мамлакат тараққиётини янада юқори чўққиларга кўтариш мумкин эмаслигини тезда тушуниб етишади ва қисқа вақт ичида деярли ҳар бир хонадон симли интернетга уланади. Провайдер ва операторлар орасида рақобат шунчалик кучаядики, уларнинг айримлари аҳолининг интернетга уланиш харажатларини тўлиқ ўз зиммаларига ола бошлайдилар. Тарифлар арзонлашади, тезлик ошади. 2003 йилга келиб мамлакатда тезлиги 24 Мбит/сонияли интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион кишига етади. Бир оз вақт ўтиб, 1 Гбит/сония тезлигидаги лимитсиз интернет ойига 80 доллардан таклиф этила бошланади. 2004 йилда эса Японияда уй хўжаликларининг 52,1 фоизи интернетга уланди.

Янги технологияларнинг жорий этилиши натижасида тезлик ошиб, нархлар пасайиши давом этади. Компаниялар интернетдан ярим йилгача бепул фойдаланишни таклиф қилишади ҳатто. Бунинг учун мижоз ўз манзилини ёзиб қолдирса ва шартнома имзоласа кифоя...

3-бет ▶


РЕКЛАМА



## Жумадан жумагача

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 феврал куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.**

2018 йил 10 феврал куни Тошкентда Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон-Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, қурол савдоси ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа шаклларига барҳам бериш масалаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 феврал куни мамлакатимизда амалий ташриф билан келган Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Ким Донг Ённи қабул қилди. Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.**

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 13 феврал куни иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 феврал куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг аҳволи, соҳадаги ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбар ва ҳокимларнинг ахборотлари тингланди.**

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди.

# ЯГОНА ИНТЕГРАТОР

## Ҳукуматнинг рақамли операторига айланиш тараддуди

**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Xabar" мухбири**





> ***Анжуманда Ягона интегратор қошида U-Lab илмий лабораториясини ташкил этиш режаси эълон қилинди***

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастури доирасида қабул қилинган янги ривожланиш жадвали доирасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг миллий модели яратилган бўлиб, бугунги кунда ушбу соҳа жадал ривожлантириб борилмоқда. Шу муносабат билан давлат тузилмаларининг марказлаштирилган бошқаруви, барча вазирлик ва идоралар ўртасида умумий форматдаги маълумотларнинг динамик алмашинуви зарурияти вужудга келди. Таъкидлаш жоизки, ушбу муаммолар ечими 2017 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳаларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-талбирлари тўғрисида"ги фармони асосида ташкил этилган UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интеграторга топширилди.

Фармонга мувофиқ, Ягона интеграторга давлат органларида амалга ошириладиган барча тизимларни бирлаштириш вазифаси юклатилган бўлиб, бу умумий талабларга жавоб берадиган ва ўзаро алоқа қилиш имкониятига эга бўлган маҳсулотларни яратишга имкон беради. Шунингдек, UZINFOCOM электрон ҳукумат тизимида ва иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологиялари тизимида ахборот тизимлари, ресурслар ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва интеграциялашни таъминлаш, аппарат ва дастурий таъминот тизимларини ўрнатишга хизмат қилади.

АКТ тизимларини давлат идораларига етказиб бериш ва амалга оширишда Ягона интеграторнинг аҳамияти каттадир.

Ахборот технологиялари бозорининг иштирокчилари UZINFOCOM аслида маҳаллий компаниялар учун рақобатчи эмаслиги, аксинча, давлатнинг энг асосий мижози экани – Ягона интеграторнинг (бошқарув ва мазмун жиҳатидан) давлат ахборот тизимларининг асосий қисмига эга эканлигидан далолат беради.

Лойиҳанинг техник қисми Техник кенгаш муҳокамаси орқали ўтади (бу, ҳатто директордан устунликда ишлайдиган жамоавий идора). Техник кенгаш таркибига турли ташкилотлар (шу жумладан, вендорлар)нинг юқори малакали мутахассислари кириши ва ўз молиявий маблағи бўлиши – лойиҳаларга коррупция аралашуви даражасини камайтиради. Авваллари давлат идоралари мос келадиган техник қурилмаларни эмас, "тавсия этилган" қурилмалар харидини амалга оширганлари сир эмас. Натижада "турли боғлар"дан олинган турли техника жиҳозлари тизимни турғун ишлашини таъминлашда муаммоларни вужудга келтирган.

Узоқ вақтдан буён барча ахборот тизимларининг "бошқарувчисига" бўлган эҳтиёж сезиларли бўлиб келган. Зеро, мамлакат ҳаётининг деярли барча соҳалари бўйича долзарб маълумотлар ечими жуда зарур. Аслида турли ташкилотлар томонидан маълумотлар тизимга турли усуллар билан (турли вақт оралиғида) турли форматларда жойлаштирилади, уларнинг барчаси эса маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлаш талаб этиладиган турли тизимларга киритилади.

Агар маълумот олиш барча ташкилотлар учун умумий шаклга келтирилса, биз маълумотга қайта ишлов беришнинг реал самарадорлиги ва фойдаланишда қулайликка эришамиз. Бунга яққол мисол сифатида Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ва Президент виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz)ни келтириш мумкин.

Анжуманга глобал компанияларнинг минтақавий раҳбарлари ҳам ташриф буюрдилар. Анжуманда Ягона интегратор қошида U-Lab илмий лабораториясини ташкил этиш режаси эълон қилинди. Бу АТ-стартаплари учун технологик майдончага айланади, тажриба синовлари учун амалий замин ва давлат органлари учун мутахассислар тайёрловчи маскан бўлади.

U-Study ўқув маркази АТ-Академиясига айлантирилади ва маълумотлар қайта ишлаш марказлари учун ходимларни мунтазам ўқитади, тизим маъмурлари, ахборот хавфсизлиги ходимлари, тармоқ раҳбарларини тайёрлайди.

Технологик компанияларнинг вендорлари ва дистрибюторлари U-Study учун тренерларни тайёрлаш ва лаборатория ташкил этишда иштирок этиш учун таклиф этилади.

Ягона интеграторнинг навбатдаги қадами 2021 йилга қадар "йўл харитаси"ни эълон қилиш, мақсади эса ҳукуматнинг рақамли оператори бўлиш.

**Улуғбек ТАГАЛИЕВ, UZINFOCOM директори в.в.б.:**

*– Биз маҳаллий АКТ бозорини хизмат етказиб берувчи учун тушунарли ҳолда тақдим этамиз, ахборот тизимини маҳаллий ишлаб чиқувчилар билан умумий тилда суҳбатлашган ҳолда буюртмачи истагини етказиб берамиз. Буюртмачи якунда ахборот тизими яратилишида Ягона интегратор жавобгар бўлган тайёр хизматни олади. Шунингдек, зарур ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши, лойиҳани муҳофаза қилиш ҳам Ягона интегратор вазифаси ҳисобланади, бунинг натижасида хизмат етказиб берувчилар тўловларни кечикмаган муддатда қабул қилиб оладилар.*

**Ягона интегратор UZINFOCOM ташкил этилганидан буён қуйидаги вазифалар ечимини топмоқда:**

- *давлат органларида АТ-бўлимларни сақлаб туриш харажатлари камаяди;*
- *амалга оширилаётган тизимлар ягона стандарт асосида ишлаб чиқилган, замонавий талабларга ва мамлакат АКТ ривожланишининг умумий тушунчаларига жавоб беради;*
- *бир нечта давлат органлари маълумотлари унификация қилинган ҳолда ягона булутда сақланади, доим қўл остида ва хавфдан йироқдир;*
- *тизим оператори давлат ишонч билдирган юқори малакали мутахассислар фаолият олиб борувчи ташкилотдир;*
- *ўзининг ўқув маркази ва илмий лабораториясига эга бўлган Ягона интегратор давлат ташкилотларига АТ-мутахассисларни етказиб беришни режалаштирмоқда.*


Президент виртуал қабулхонасида онлайн режимда саволларга жавоб олиш мумкин.

# ХОНАДОНИНГИЗГА ИНТЕРНЕТ КЕРАКМИ?

## “Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали бир ташаббусга қўл урди

◄1-бет.

Нима сабабдан Япония тажрибасига тўхталиб ўтдик? Нафақат Японияда, балки бутун дунё телекоммуникациялар бозорида кескин рақобат вужудга келмоқда. Кимдадир бу жараён аллақачон бошланган, бошқалар энди-энди бошидан ўтказа бошлади. Юртимиздаги оператор ва провайдерлар ҳам яхши маънода мижозлар учун курашни бошлаб юборишган. Бунинг натижасида тарифлар нархи пасайиб боряпти, сифат ва тезлик эса ошяпти.

Рақобат муҳитида мижознинг эшик тақиллатиб кириб келишини кутиб ўтириш ярамайди. Аксинча, абонентларни қидириб, уларнинг эшигини қоқиб бориш лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳаракатлар стратегиясида “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежизга эмас. Давлат органлари масъуллари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни қонуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Худди шундай хизматлар кўрсатиш сектори вакиллари ҳам ўз мижозлари доираси ва қамровини кенгайтиришлари учун халқ ичига кириб боришлари зарур бўлади. Чунки жорий қилинаётган технологиялар ва янги хизматлардан барча ҳам хабардор бўлмаслиги мумкин.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолининг ахборотга талаб ва эҳтиёжлари ортиб боряпти. Бу эҳтиёжни тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали томонидан фуқаролар учун кенг полосали, яъни FTTb, FTTh, GPON технологиялари асосида телефон, видеотелефон, юқори тезликдаги интернет, IPTV хизматлари татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги кунда катта эҳтиёжга эга янги технологиялардан бири GPON технологиясидир. Ушбу технология асосида ўрнатиладиган модем ускунаси орқали иккита телефон линияси, видеотелефон, IPTV ва юқори тезликдаги интернет хизматидан фойдаланиш мумкин. Яқинда “Ўзбектелеком” АК “ТШТТ” филиали бир ташаббусга қўл урди. Филиал томонидан сайёр гуруҳ тузилиб, янги технологияларни татбиқ этиш ишларини амалга ошириш учун Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Исломобод маҳалласига борилди. 11 февраль куни уюштирилган тадбирга “Алоқабанк”нинг “сайёр кассаси”, “UzOnline” сотув офиси ва тарғибот олиб борувчи гуруҳлари жалб этилди.

Бир кун ичида IPTV ва юқори тезликдаги интернет хизматларига уланиш мумкинлигини билган маҳалла аҳли бирин-кетин акция ўтказилган майдонда жам бўлди.

Акция бўйича биринчи бўлиб маҳалла фаоли, 73 ёшли Аброр Саидов хизматларга уланиш истагини билдирди. Шартнома имзолангач, “ТШТТ” филиали монтёрлари ва мутахассислари дарҳол ишга киришишди. Акция доирасида оптик толали кабел хонадонга қадар бепул тортилди, сўнг GPON технологияси бўйича интернет ва IPTV хизматлари уланди.

— Маҳалламизда ушбу тадбир ўтказилганидан жуда хурсанд бўлдик, — дейди Аброр Саидов. — Чунки сифатли интернет хизматига эҳтиёжимиз бор эди. Набираларим ундан ўқишида фойдаланишади. Қолаверса, бир фарзандимиз Хитойда, яна бири Россияда ишлайди. Улар билан тезкор интернет орқали боғланиб туриш энди бизга анча қулай бўлади.

Юнусобод туманидаги 234/35 АТСнинг кенг полосали уланиш хизмати мутахассиси Қобилжон Мадалиевнинг таъкидлашича, одатда салкам 10 кунда амалга ошириладиган жараён акция доирасида бир кунда бажарилди.

Кун давомида худди шу тарзда маҳалланинг яна бир қанча хонадонига GPON технологияси асосида интернет улаб берилди.

Юқорида тилга олинган кучли рақобат муҳити Ўзбекистонга ҳам албатта кириб келади. Шундай экан, бугун илдамроқ ҳаракат қилган, ўзига кўпроқ мижоз топа олган, уларнинг эҳтиёжларини яхши ўрганган ва қондирган компания бундан фақатгина ютади.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**



**“ТШТТ” филиали Марказий телефон боғламаси бошлиғи ўринбосари Абдуваҳоб ИГАМБЕРДИЕВ:**

***— Ушбу акцияни ўтказишдан мақсад “Ўзбектелеком” АК томонидан тақдим этилаётган хизматлар аҳоли учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини ва уларнинг фикр-истакларини ўрганишдан иборат эди. Тадбир доирасида Исломобод маҳалласидаги ҳар бир хонадонга кирилиб, тарғибот ишлари олиб борилди. Янги технология бўйича хизматларни улаш истагини билдирган фуқаролар билан шу куннинг ўзидаёқ керакли ҳужжатларни олиб, шартнома расмийлаштирилди ва хизмат учун тўловлар амалга оширилди. Боғлама ходимлари томонидан шартнома расмийлаштирган хонадонларга оптик толали алоқа кабеллари тортилиб, хизматлар кўрсатилиши таъминланди. Ўтказилган ушбу тадбирдан маҳалла аҳли мамнун бўлишганини маълум қилдилар.***



“ТШТТ” филиали акциясидан фотолавҳалар

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

## "ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ" АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЯНГИЛИКЛАРИДАН ҚАНЧАЛИК ХАБАРДОР?

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича Давлат инспекцияси ҳамда "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси ходимлари иштирокида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши бўйича амалга оширилган ишларга бағишланган семинар ўтказилди.

Тадбирда инспекция ходимлари томонидан республикада АКТни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, тизимдаги янгиликлар, кутилаётган натижалар хусусида маърузалар қилинди. Хусусан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали my2.gov.uz ҳамда "Хавфсиз шаҳар" тизимининг имкониятлари, асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Семинар якунида инспекция ходимлари уюшма мутахассислари саволларига жавоблар беришди.

**Инспекция матбуот хизмати**

# ИНҲАнигина ЭМАС, ОКСФОРДни ҲАМ КЎЗЛАШЯПТИ



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТга ихтисослаштирилган мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Маъфура Расулова бошчилигида таҳририятимизда меҳмон бўлишди. Мухбиримиз улар билан суҳбатлашди.

◀1-бет.

## Абдулазиз РИХСИБОЕВ, 7-синф ўқувчиси:

“Илк шеърий тўпламимни “Юртимнинг эрка фарзандиман” дея номладим.”



— Отам Акмалжон Тожибоев тадбиркорлик билан шуғулланади, онам эса тикувчи. 5-синфгача Учтепа туманидаги 193-мактабда ўқиганман. Бир куни отам мени бошқа мактабга ўтказмоқчи эканлигини айтди. Шунда онам қаршилик қилиб, шундай деди:

— Нима қиласиз иссиқ жойини совутиб, синфдошларидан ажратиб. Бунинг устига айтган мактабингиз уйимиздан анча узоқ экан.

Шунда отам мактабда математика, физика фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўтилиши, бу фанларни яхши билган ўқувчи истаган олий таълим муассасасига кира олиши, яхши ҳисобчи ҳар бир корхонага кераклиги ҳақида гапирди. Шу тариқа мен мактабимни ўзгартирдим.

Ўтган йили эса мактабимиз АКТга ихтисослаштирилди ва бу мен учун айни муддао бўлди. Яқинда мактабимизда ўтказилган физика фани бўйича билимлар беллашувида 1-ўринни эгалладим. Энди туман, сўнгра шаҳар босқичида қатнашаман. Ўқитувчимиз Ҳожибой Матчоновнинг фикрича, республикада ғолиб бўлишга кучим етар экан.

Тўғрисини айтсам, барча фанни бирдек ўзлаштиришга ҳаракат қиламан. Айниқса, адабиётдан доимо беш баҳо оламан. Шеърлар ёзаман. Илк шеърий тўпламимни “Юртимнинг эрка фарзандиман” дея номладим. Отамнинг гапларига қараганда, ҳар бир касб эгаси, биринчи навбатда, она тили ва адабиётни яхши билмоғи керак.

Келгусидаги мақсадим ИНҲАда ўқиш. Бу даргоҳда бемалол ўқий оламан, деб ўйлайман. Чунки инглиз тилини алоҳида иштиёқ билан ўрганяпман.

## Элнур МАВЛОНОВ, 5-синф ўқувчиси:

“Бизнинг бу ерда яхши билим олишимиз учун ҳамма шароит яратилган”

— Сирдарё вилоятида туғилганман. Ота-онам мени бувим ва бобомга қолдириб, ўзлари пойтахтга ишга келишди. Тўрт йил Сирдарёдаги мактабда ўқидим. Сўнгра мен ҳам ота-онам олдига келиб, онам Зулфия Маматова инглиз тили фанидан дарс бераётган мактабда ўқий бошладим. Онам менинг инглиз тилини пухта ўрганишим учун уйда ҳам шуғуллантира бошлади. Математикани эса ўзим қизиққаним учун яхши билардим.

Бир куни кечқурун отам Фаррух Каримов ноутбукда интернет хабарлари билан таниша туриб, бир муҳим хабарни товуш чиқариб ўқиб берди. Унда Тошкентда янги ташкил этилган АКТга ихтисослаштирилган мактабга қабул эълон қилингани, имтиҳонлар Жанубий Кореянинг Тошкентдаги ИНҲА университетида ўтказилиши, имтиҳон вақти ҳақида маълумот берилган эди. Ота-онам баравварига менга қарашди:

— Имтиҳонга олиб борсак, кучинг етармикин?

Мен дадил туриб: — Ҳа, — дедим. Ўзимга ишонганим ёрдам берди — бу ерда ўқиш учун ҳужжат топширган 190 нафардан ортиқ ўқувчидан 60 нафари ўқишга кирди ва мен улар қаторида бўлдим.

Бизнинг бу ерда яхши билим олишимиз учун ҳамма шароит яратилган. Ҳар биримизда алоҳида компютер. Тўғри, ўқитувчиларимиз қаттиқ талаб қилишади. Лекин, ўргатишади ҳам.

Бу ерда ўқиш менга ёқади. Мен келажакда ИНҲАга ўқишга кирмоқчиман. Мақсадим яхши мутахассис бўлиб, одамлар хизматини қилиш.



## Сарварбек САЙФИТДИНОВ, 5-синф ўқувчиси:

“Улуғ бобомиз Мирзо Улуғбек каби астроном бўлишга қарор қилдим.”



— Отам эсимни таниганимдан буюк боболаримизнинг жасорати, ёзган китоблари, уларнинг ҳозиргача ҳурмату эъзозда эканликлари сабаби ҳақида гапириб беради ва буни унутмаслигим, улардай бўлишим лозимлигини уқтиради. Бугина эмас, саводим чиққач, улар ҳақидаги китобчаларни ҳам олиб келди. Мен бу китобларни қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва улуғ бобомиз Мирзо Улуғбек каби астроном бўлишга қарор қилдим.

Бунинг учун Мирзо Улуғбек бобомдай жуда кўп китоб ўқишим, билим олишим кераклигини биламан. Шунинг учун ҳам фанларни тўлиқ ўзлаштиришга ҳаракат қиламан.

Мирзо Улуғбек туманидаги 71-мактабда ўқиб юрган пайтимда синфдошларим АКТга ихтисослаштирилган мактаб очилгани ҳақида гапиришди. Улар бу мактабда математика ва инглиз тили чуқур ўргатилиши, қаттиққўл ва талабчан домлалар дарс ўтишини айтишди. Суриштириб кўрсам, мактаб бизга яқин жойлашган экан.

Отамга айтдим, агар хоҳласанг, имтиҳонлардан ўта олсанг, албатта, олиб бораман, деди. Мен эса имтиҳонлардан юқори балл билан ўтдим. Ҳақиқатан ҳам бу ерда барча фанлардан ўта билимли устозлар дарс беришади. Улар бизга вақтнинг қадрига етиш кераклиги, мактаб даври касб эгаллашда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида уқтиришади. Шунинг учун нафақат мактабда, уйда ҳам шуғулланаман. Отам совға қилган ноутбукда ёзма ишларимни бажараман, расм чизаман, манба қидириб топиб, ўқиб-ўрганаман.

Келгусида АҚШнинг Оксфорд университетида ўқиш ниятидаман.

Муборак МИРКАМОЛОВА ёзиб олди

# Электрон тижорат: БИЗНЕС ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

**Шаҳбоз АЛИМОВ,**
**"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази мутахассиси**



***Бугунги кундаги кучли рақобат шароитида ҳар бир бизнес фаолиятини олиб бораётган субъектлар электрон тижорат имкониятларидан фойдаланишга мажбур.***

***"2016 йили глобал интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг 58,3 фоизи маҳсулотларни онлайн сотиб олган. Ушбу кўрсаткич 2019 йилда 63 фоизга, 2021 йилда эса 65 фоизга ошиши кутилмоқда"***

## АКТ — тараққиёт гарови

Компаниялар электрон тижорат ёрдамида бўлғуси мижозлар, мол етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан web тизими орқали алоқа ўрнатиши, савдо битимларини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни электрон кўринишда айирбошлаши, товар ва хизматлар сотилиши ва етказиб берилишини назорат қилиши, товар рекламаси ва хариддан кейинги қўллаб-қувватлаш ва харид учун электрон тўловни амалга ошириш масалаларини арзон ва қулай амалга ошириши мумкин. Шунинг учун электрон тижорат компаниялар фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб боряпти. Айниқса, ривожланган давлатлар, электрон тижоратнинг имконият ва истиқболларини аниқ ҳис қилган ҳолда, бу соҳага етарлича инвестиция ажратмоқдалар.

Тараққий этган давлатлар ялпи миллий маҳсулотида электрон тижорат салмоқли ўрин эгаллайди. Чунки бу соҳани янги иқтисодий тизим сифатида баҳолай олган давлатлар ушбу соҳада етакчи ўринни эгаллаш мақсадида уни ҳар томонлама ўргана бошлашди. Аввало, электрон тижоратни ривожлантиришга халақит берадиган тўсиқларни бартараф этиш механизмларига катта эътибор беришган. Масалан, Европа Иттифоқи бу борада ўзининг "Электрон Европа" (e-europe) лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа ЕИнинг келажак янги иқтисодий тизимдаги ҳолатини яхшилашда муҳим рол ўйнайди.

Ривожланаётган давлатларда электрон тижоратни мамлакат экспорт салоҳиятини оширувчи асосий жараён деб билишади. Шуни инобатга олиб, бу давлатлар ҳукуматлари асосий эътиборларини электрон тижорат тараққиётига туртки бўладиган ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришга қаратмоқдалар.

## Ўзбекистонда Э-тижоратни ривожлантириш

Шу ўринда Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш имкониятлари йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ривожланиши миллий ишлаб чиқарувчиларимизга янги бозорлар очиш, янги мижозлар топиш имкониятини яратади. Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича танланган ва амалдаги йўлдан тўғри бориш — келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон бозорининг етакчи вакилларидан бирига айлантиради. Ўзбекистон электрон тижорат бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг тўғри йўли танлаганлиги халқ фаровонлигига, жамиятимизнинг тараққий топишида, иқтисодий ривожланишимизда ўз аксини топади. Шу билан бирга, электрон тижорат мамлакатимизда фаолият олиб бораётган кичик бизнес вакилларининг имкониятларини мислсиз даражада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон давлат органлари электрон тижоратни ривожлантиришда дунё тажрибасида кенг қўлланилган қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- электрон тижоратни ривожлантиришда корпоратив сектор фаол рол ўйнаши лозим;
- электрон тижоратга нисбатан давлат органлари томонидан асосланмаган турли чекловлар қўйилишига йўл қўймаслик лозим;
- давлат ҳокимияти электрон тижорат жараёнига, ушбу соҳа субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқ базасини такомиллаштириш мақсадида аралашиши мумкин;
- электрон тижоратни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти интернетнинг ўзига хосликларини инобатга олиши лозим;
- электрон тижорат жараёни маъмурий-ҳудудий бўлиниш ва давлат чегараларига боғлиқ бўлмаган равишда глобал кўламда содир бўлиши мумкин.

## Статистика

Интернетнинг жадал ривожланиши ва абонентлари сонининг кескин ўсиши анъанавий бозорларни онлайн тижорат ёки электрон тижорат деб аталадиган ноанъанавий бозорга ўзгартирмоқда. Ҳозирда истеъмолчилар ва тадбиркорлар учун барча сегментдаги маҳсулот ва хизматларни қамраб оладиган жаҳон электрон тижорат бозорларида арзон ва қулай усулда сотиб олиш ва сотиш иконияти пайдо бўяди.

Statista GmbH компаниясининг интернетдаги нашрига кўра, электрон чакана савдо ҳажми 2017 йилдаги 2,3 триллион АҚШ долларидан 2021 йилда 4,48 триллион АҚШ долларига кўтарилиши кутилмоқда. 2017 йилда Business.com Media, Inc. компанияси эса дунёнинг 10та энг йирик электрон тижорат бозорларини аниқлади ва уларнинг йиллик онлайн савдо ҳажми қуйидаги рақамларни ташкил этди:

Хитой — 672 миллиард АҚШ доллари, АҚШ — 340 миллиард, Буюк Британия — 99 миллиард, Япония — 79 миллиард, Германия — 73 миллиард, Франция — 43 миллиард, Жанубий Корея — 37 миллиард, Канада — 30 миллиард, Россия — 20 миллиард, Бразилия — 19 миллиард АҚШ доллари. The 2015 Global Retail E-Commerce Index маълумотига кўра, 2015 йили АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Япония, Германия жаҳон рейтингида кучли бешликдан жой олган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жами интернетдан фойдаланувчилар ва мобил алоқа абонентлари сони кўплиги мамлакатимизда электрон тижоратни фаол ривожлантириш учун катта туртки бўлади. "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон тўловлар тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунлар электрон тижорат тизими фаолият юритиш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, 2016-2018 йилда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси электрон тижоратни янада ривожлантиришнинг, рақобатга бўлган муҳитни кенгайтириш ҳамда электрон тижорат соҳасида янги инфратузилма пайдо бўлишининг асосий йўналишларини белгилайди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

# ҚОНУНБУЗАР "МЕҲМОН АЛОҚАЧИ"ЛАР

Жанубий кореялик К.Ж.Г. махсус техника воситаларини ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириб, Миробод туманидаги ижарага олинган офисда Корея Республикаси билан халқаро телефон алоқаларини, IP-телефония тармоғини улаб бериш ва турли ахборотларни юбориш билан шуғулланган. У ўз фаолияти давомида Корея Республикасидаги ҳомийлари томонидан юборилган маблағлардан фойдаланиб, алоқа компанияларининг сим карталари орқали мижозларга хизмат кўрсатган.

Яна бир қонунбузар Украинанинг Харков шаҳрида истиқомат қилувчи Александр ўзбекистонлик танишлари орқали IP-телефония тармоғини йўлга қўйган. Унинг бу ердаги шериклари коммуникация ускуналарини божхона назоратидан яшириб олиб кириш, уюшган гуруҳнинг бошқа фаол аъзоларига етказиб бериш, ижарага олинган уйларга ускуналарни ўрнатиш, тармоқ хизматларини йўлга қўйиш ҳамда сохта тадбиркорлик субъектларига раҳбарлик қилиш, улар номига корпоратив сим карталар сотиб олиб, Украина давлатига юбориш каби вазифаларни бажариб, бунинг учун яхшигина ҳақ ҳам олишган.

Бир сўз билан айтганда, қарийб бир ярим йил мобайнида қонунга хилоф равишда махсус рухсатнома (лицензия) олмасдан IP-телефония тармоғини ташкил этиб, қатор қонун ҳужжатларини қўпол тарзда бузишган. Тадбир куни ижарага олинган уй кўздан кечирилганида, у ерда жами 216.305.800 сўмлик маршрутизатор, модем, тизим блоклари ва бошқа телекоммуникация ускуналари мавжудлиги аниқланиб, барчаси масала қонуний ҳал бўлгунга қадар олиб қўйилди.

Суд ҳукмига кўра, қонунбузарлар айбдор деб топилиб, қилмишларига яраша жазо олишди.

**Ҳасан НОДИРБЕКОВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Миробод туман бўлими суриштирувчиси**



Ички ишлар ходимлари ТАТУда АКТ бўйича билимларини оширади.

## Заместитель Премьер-министра Республики Корея

# ПРОВЕЛ ЛЕКЦИЮ ДЛЯ СТУДЕНТОВ ТАШКЕНТСКИХ ВУЗОВ





*«Ким Донг Ён отметил, что сотрудничество между Узбекистаном и Южной Кореей берет начало с эпохи существования Афросиаба (1500 лет назад).»*

Заместитель Премьер-министра и министр стратегии и финансов Республики Корея Ким Донг Ён 12 февраля 2018 года посетил Университет ИНХА в г. Ташкенте (IUT) в рамках своего визита в Узбекистан.

В ходе визита в IUT доктор Ким Донг Ён прочел лекцию для студентов восьми университетов города Ташкента.

Открывая мероприятие, ректор IUT Сарвар Бабаходжаев рассказал о деятельности университета и отметил, что Университет ИНХА в г. Ташкенте является первым и пока единственным кампусом южнокорейского университета в Узбекистане и мире.

В своей лекции Ким Донг Ён отметил, что сотрудничество между Узбекистаном и Южной Кореей берет начало с эпохи существования Афросиаба (1500 лет назад). Вице-премьер сказал, что на фреске «Послы», которая хранится в музее Афросиаб (Самарканд), изображен посол Кореи в национальной одежде.

Ким Донг Ён, в частности, рассказал о своем жизненном пути и подчеркнул о важности получения образования.

Заместитель Премьер-министра также остановился о развитии экономики Южной Кореи и важности инноваций в развитии страны.

В конце визита Ким Донг Ён оставил свои пожелания в Книге почётных гостей Университета ИНХА в г. Ташкенте.

«Желаю неограниченного развития Университету ИНХА в г. Ташкенте как развитие сотрудничества и 1500-летней дружбы между Узбекистаном и Республикой Корея», — написал Заместитель Премьер-министра и министр стратегии и финансов Республики Корея.

СОТРУДНИЧЕСТВО

# «УЗБЕКТЕЛЕКОМ" РАСШИРЯЕТ СОТРУДНИЧЕСТВО С «РОСТЕЛЕКОМ»

В АК «Узбектелеком» прошла встреча с делегацией Российского национального оператора связи ПАО «Ростелеком» во главе с директором Департамента по работе с международными операторами связи М.Акининым.

На встрече сторонами были рассмотрены вопросы дальнейшего сотрудничества по предоставлению услуг доступа в международную сеть интернет, организации международных транзитных каналов, обеспечения качественного, надежного и бесперебойного функционирования организованных каналов связи. Также, были обсуждены вопросы дальнейшей совместной работы, определены направления по расширению сотрудничества с ПАО «Ростелеком» по всем направлениям услуг электросвязи.

При рассмотрении вопросов взаимного бизнеса, отдельно рассматривался вопрос расширения услуги доступа в международную сеть интернет по сети ПАО «Ростелеком».

АК «Узбектелеком» также выразила интерес к сотрудничеству с признанным технологическим лидером в инновационных решениях в области электронного правительства, облачных вычислений, образования и безопасности.

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

# В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ ПРИНЯТЫ В ЭКСПЛУАТАЦИЮ ОБЪЕКТЫ МОБИЛЬНОГО ОПЕРАТОРА UZMOBILE



В январе текущего года Андижанское территориальное подразделение Государственной инспекции по надзору в сфере связи, информатизации и телекоммуникационных технологий приняло участие в приемке в эксплуатацию объектов мобильного оператора UZMOBILE в Андижанской области.

После устранения недостатков, выявленных Андижанским территориальным подразделением инспекции, мобильного оператора UZMOBILE в эксплуатацию были приняты 17 объектов на основании заключений компетентных органов.

С вводом в действие мобильными операторами подобных объектов телекоммуникаций наряду с предоставлением абонентам качественных услуг связи будут создаваться широкие удобства и новые возможности.

## Amazon опередила Microsoft и вошла в тройку самых дорогих компаний мира

По итогам торгов 14 февраля акции Amazon выросли на бирже NASDAQ на 2,6%, а его капитализация превысила 702,5 млрд. долларов.

Таким образом, Amazon впервые обошла по капитализации компанию Microsoft (699,2 млрд. долларов) и заняла третье место по этому показателю среди публичных компаний мира. Дороже Amazon стоят только Apple (849,2 млрд. долларов) и владеющий Google холдинг Alphabet (744,7 млрд). За находящейся на четвертой строчке Microsoft следуют китайская компания Tencent и соцсеть Facebook. Все компании из топ-6 относятся к IT-сектору.

## Более 4000 государственных сайтов были заражены криптомайнером

Специалист в области ИТ-безопасности Скотт Хелм обнаружил на нескольких сайтах скрипт Coinhive, который позволяет использовать ресурс компьютера посетителя для получения криптовалюты Monero.

Проведенный Хелмом анализ показал, что криптомайнером заражены 4275 государственных сайтов в США и Великобритании. Причиной заражения является плагин BrowseAloud для преобразования текста в речь, через который вредоносный код получал доступ к ПК пользователей.

## SpaceX выведет на орбиту первые спутники для раздачи интернета

Первые два тестовых интернет-спутника компания намерена запустить 17 февраля в рамках миссии по выводу на орбиту испанского разведывательного спутника Paz при помощи ракеты-носителя Falcon 9.

Как сообщает CNet, в качестве дополнительной нагрузки ракета должна вывести на орбиту аппараты Microsat-2a и Microsat-2b, созданные в рамках проекта Starlink.

Согласно описанию SpaceX, тестовые коммуникационные спутники будут оснащены антеннами с фазированными решетками, которые компания намерена проверить в действии.



# Исмоил САФАРОВ: ЎН ЙИЛЛАРДАН КЕЙИН НАФАҚАТ ТАЛАБАЛАР, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМ ДАСТУРЛАШНИ ЯХШИ ЎЗЛАШТИРГАН БЎЛИШАДИ

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида ўз инновациялари билан мамлакатимиз иқтисодиётига ҳисса қўшаётган талабалар кўп. Улардан бири ахборот технологияларини таълим жараёнларига татбиқ этиб келаётган Исмоил Сафаровдир. Исмоил ТАТУнинг дастурий инжиниринг факултети талабаси, университет Ёшлар иттифоқи кенгашининг АКТ соҳасини ривожлантириш йўналиши етакчисидир. Қаҳрамонимиз ўзининг "Масофавий таълим" лойиҳаси билан АТ-мутахассислари назарига тушган.**

**— Бугун ТАТУнинг фаол талабаларидан бирисиз, айтингчи, университетга ўқишга киришингизга кимлар ёки қандай омиллар сабабчи бўлган?**

— Қишлоқ мактабида ўқиган бўлсам-да, информатика фанига, аниқроқ айтсам, компютерга қаттиқ қизиқар эдим. Сабаби, имкониятлари ёки ўзига хос янгилиги эмас, балки унинг қўл билан ушлаб бўлмас виртуал дунёси мени ўзига ром этган эди. Кўп вақт ўтмай уйимиздан шахсий компютер ҳам ўрин олди. Уни фойдаланиш жараёнида жуда кўп маротаба бузиб қўйиганман ва шу бузишлар катта тажриба бўлиб ҳам хизмат қилди аслида. Кейинчалик шаҳарда ўқишимни давом эттира бошладим. Яқинларим менга ўз компютерларини тузатиб беришни илтимос қилишганида, ҳеч қўрқувсиз бунга киришардим, лекин тўғрилайман, деб бузиб қўйиган вақтларим ҳам кўп бўлган. Бу тегишли хулосалар чиқаришимга ва ТАТУга ўқишга киришимга сабаб бўлди.

**— Дастурлаш қийин бўлганлиги учун ҳамма ҳам бу соҳани танлайвермайди, лекин сиз бу соҳада бир қанча муваффақиятларга эришгансиз.**

— Катта ютуқларга эришдим, деб айта олмайман. Яратганнинг бизларга берган идроки ва ақли тафаккур қилишга ундайди. Ягона муваффақиятим шуки, мен ўз соҳамга, яъни ахборот технологияларига жуда қизиқаман. Мана шу қизиқиш бугун билим олиш ва тажриба тўплашимга ва келажакда мен мақсад қилган, жамият истаган муваффақиятларга сабаб бўлишига ишонаман. Инсон вақт ўтган сайин, аслида ҳеч нарсани билмаслигини тобора тушуниб боравераркан.

**— Сизнингча, муваффақият сири нимада?**

— Таниқли бўлиш ёки бошқалар сизни ҳурмат қилишини исташ кўпинча инсонни муваффақиятга қарама-қарши ҳаракатлантиради. Бундай жиҳатлар инсонни моддиятга етаклайди, холос. Агар инсон умри қисқалигини яхши ҳис қилса, фақат пул тўплаш ёки обрў топишдан кўра устунроқ ишга қодирлигини тушуниб етади. Бу ҳар биримизнинг руҳиятимизда бор фазилат. Фақат ана шу фазилатгина муваффақиятимизга ва ҳақиқий бой, обрўли бўлишимизга ўз-ўзидан сабабчи бўлади!

**— Исмоил, Distudy лойиҳасини Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда тарғиб этиб келяпсиз. Лойиҳанинг мақсади ва истиқболи ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Лойиҳанинг асосий мақсади, инсонларга замонавий, янги ўқитиш методикаси асоси билан бойитилган ва қулай таълим тизимини ишга тушириш. Яъни, бугунги кун талабига асосланган ҳолда масофадан туриб таълим бериш техно-логиясини Ўзбекистон ҳудудида жорий қилиш ҳисобланади.

Лойиҳанинг истиқболи катта, вақтни тежаш, сарф-харажатни 75 фоизга камайтириш, бир вақтнинг ўзида миллионлаб ёшларга сифатли таълим бериш ва минглаб инсонларни ўз меҳнатлари эвазига даромад олишига бўлган катта истиқбол ётади бунинг ортида.

**— Бугун ўзингизнинг телеграм каналингиз (@iSpeakUp) орқали ҳам масофадан фойдаланувчиларга билим бериб келяпсиз, қолаверса, бир қанча видеокурслар муаллифисиз. Ижтимоий тадбирларда ҳам фаолсиз. Барчасига улгуриш қийин бўлмаяптими?**

— Гап вақт масаласида кетар экан, шу борада бир нарсани айтишни ўринли, деб биламан. Бугун биз уддалаётган ишлар тарихимизда ота-боболаримиз доимий қилиб юрган ишларининг юздан бирига ҳам тўғри келмайди, деб қўрқаман. Сабаби у зотлар учун вақт қадри ё ҳаёт, ё мамот масаласи бўлиб хизмат қилган. Афсуски, биз ҳар доим ҳам вақтнинг қадрига етавермаймиз.

**— Университетдаги таҳсил ва турли лойиҳаларингиздан ташқари яна қандай қизиқишларингиз бор?**

— Кўпгина қизиқишларим бор, албатта. Веб-иловалар тайёрлаш, спорт билан шуғулланиш, ўзим яхши билган соҳаларда видеокурслар тайёрлаш ва дизайн билан машғул бўлиш мен учун мароқли.

*Агар инсон умри қисқалигини яхши ҳис қилса, фақат пул тўплаш ёки обрў топишдан кўра устунроқ ишга қодирлигини тушуниб етади.*

**— Келгуси режаларингиз.**

— Улар жуда ҳам кўп ва аниқ тартибга солиб олганман. Энг катталаридан бири, Ўзбекистон ҳудудига масофавий таълимни жорий қилиш. Бунинг аниқ режа ва стратегиясини тузиб чиққанмиз.

**— Ёш дастурчи сифатида Ўзбекистон миллий дастурий маҳсулотлар бозорида кейинги 10 йилликда қандай даражага эришади, деб ўйлайсиз?**

— Бу мен учун қийин савол. Тахминимча, ўн йиллардан кейин, нафақат талабалар, мактаб ўқувчилари ҳам дастурлашни яхши ўзлаштирган бўлишади ва ахборот технологиялари соҳасида юқори билимли ёшлар жуда кўп бўлади.

Шунингдек, электрон маиший маҳсулотлар бозорида ўсиш юқори бўлса керак. Бозорга бориб маҳсулот харид қилишдан кўра, онлайн харидлар афзаллигини кўпчилик тушуна бошлайди. Бундан ташқари, халқнинг билимлилик даражаси 75 фоиздан юқори бўлишини ҳам масофавий таълим тизимини ишлаб чиқиш давомида аниқладик.

**ТАТУ ахборот хавфсизлиги факултети талабаси Гулноза ТУРОБОВА суҳбатлашди**

# КООРДИНАТОРЛАР ВИЛОЯТЛАРГА ЧИҚИШАДИ — БУ ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ИМКОНИЯТ

Data.gov.uz маълумотларига қараганда, бугунги кунда ахборот технологияларига ихтисослашган олий таълим муассасаларида таълим олаётганларнинг 16 — 22 фоизини қизлар ташкил этади. Яъни, ўз тақдирини ахборот технологиялари билан боғловчи қизлар анчагина кам.

Ҳеч шубҳасиз, "Technovation" мана шу бўшлиқни глобал миқёсда тўлдириш билан шуғулланиб келаётган энг йирик халқаро технология дастури саналади.

Яқинда шу лойиҳанинг Ўзбекистондаги кординаторлари — Саида Юсупова, Елена Селезнёва, Елена Кокарева, Ҳилола Умарова Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлишди. Улар ТАТУ филиалларидаги қизлар билан видеокўприк орқали конференция ўтказишди.

"Technovation Challenge" халқаро дастури тақдимоти кўплаб ТАТУ талабаларини қизиқтириб қўйди. Шу куннинг ўзидаёқ талаба қизлар жамоалари my.technovationchallenge.org сайтида рўйхатдан ўтишди.

"Technovation" 2016 йилдан Ўзбекистонда ҳам ўтказиб келиняпти. Ўтган йили 500 нафар талаба турли жамоалар таркибида иштирок этганди. Улар орасида "Technovation"нинг ярим финалигача етиб борган жамоалар бор.

Бу йил лойиҳа кординаторлари ТАТУ филиаллари ва ҳудудларга чиқишни режалаштиришган. Ўйлаймизки, ўзбек қизлари бу имкониятлардан самарали фойдаланишади ва улар ахборот технологиялари соҳасида юртимиз довруғини дунёга танита олишади.

**Гулноза ОРИФ қизи**





"Wi-Fi BUS" автобусларида интернетдан фойдаланиш муддати 2018 йил охиригача узайтирилди.

ТВ-дастурлар «UNIVERSAL-PRESS-MEDIA» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

# Xabar+tv

## ДУШАНБА — 19 ФЕВРАЛ

**1**

06.45 Телеканал "Доброе утро".
08.00 Новости.
08.15 Телеканал "Доброе утро".
08.50 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане.
11.00 Новости
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское".
16.00 "Время покажет".
17.00 Вечерние новости
17.25 "Время покажет".
17.50 "На самом деле".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 Т/С "Вольная грамота".
22.30 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане.
01.00 Т/С "Медсестра". 9-я-серия.
02.00 Новости.
02.05 "Модный приговор".
03.05 "Контрольная закупка".

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Кровавая барыня"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.00 Д/ф "Чуркин"
02.30 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Куба"
21.35 Т/с "Невский. Проверка на прочность"
23.40 "Итоги дня"
00.10 "Поздняков"
00.20 Т/с "Свидетели"
01.20 "Место встречи"
03.20 "Поедем, поедим!"
04.00 Т/с "Час Волкова"

**МАТЧ!**

08.30 Смешанные единоборства. UFC. Дональд Серроне против Янси Медейроса. Деррик Льюис против Марчина Тыбуры. Прямая трансляция из США
09.30 XXIII Зимние Олимпийские игры. Хоккей. Женщины. 1/2 финала. Прямая трансляция из Кореи
11.30, 13.00, 14.30, 15.50, 16.25, 19.15, 22.40 Новости
11.35, 05.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Мужчины. Прямая трансляция из Кореи
13.05, 16.30, 19.20, 00.25, 02.50 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
13.35 XXIII Зимние Олимпийские игры. Биатлон. Масс-старт. Мужчины. Трансляция из Кореи
14.35, 22.45, 03.15 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Женщины. Трансляция из Кореи
15.55 XXIII Зимние Олимпийские игры. Конькобежный спорт. Командная гонка преследования. Женщины. Квалификация. Прямая трансляция из Кореи
16.50 XXIII Зимние Олимпийские игры. Конькобежный спорт. Мужчины. 500 м. Прямая трансляция из Кореи
17.45 XXIII Зимние Олимпийские игры. Прыжки с трамплина. Мужчины. Командное первенство. Прямая трансляция
19.40 XXIII Зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
00.50 Футбол. Кубок Англии. 1/8 финала. "Уиган" - "Манчестер Сити". Прямая трансляция

**КИНОХИТ**

02.50 "Королевский роман"
05.45 "Морис Ришар. Ракета"
07.45 "За что мне это...?"
09.25 "Грозовой перевал (1 серия)"
10.30 "Грозовой перевал (2 серия)"
11.45 "От заката до рассвета"
13.25 "Погребённый заживо"
15.00 "Враг государства"
17.05 "Легенды осени"
19.10 "Предатель"
21.00 "Железный человек"
22.55 "Тень"
00.35 "Общество мертвых поэтов"

**ТВ3**

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00 Т/с "Измены"
23.45 Х/ф "Хитмэн. Агент 47"
01.30, 02.15, 03.30, 04.15, 05.15 Т/с "Скорпион"
01.45 Профилактика

## СЕШАНБА — 20 ФЕВРАЛ

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро".
08.00 Новости.
08.15 Телеканал "Доброе утро".
08.50 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане.
11.00 Новости
11.15 "Время покажет".
13.15 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Биатлон. Смешанная эстафета.
15.00 "Мужское / Женское".
16.00 "Время покажет".
17.00 Вечерние новости
17.25 "Время покажет".
17.50 "На самом деле".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Т/С "Вольная грамота".
22.40 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане.
01.00 Т/С "Медсестра". 10-я-серия.
02.00 Новости.
02.05 "Мужское / Женское".
03.00 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Фигурное катание. Женщины (короткая программа) Фристайл. Ски-кросс. Мужчины.

**РОССИЯ 1**

04.00 XXIII Зимние олимпийские игры в пхёнчхане.Фигурное катание. Танцы. Произвольная программа.
07.35, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.20 XXIII Зимние олимпийские игры в пхёнчхане. Фигурное катание.
13.00, 19.00 "60 Минут"
14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Кровавая барыня"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
02.00 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Куба"
21.35 Т/с "Невский. Проверка на прочность"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Д/ф "Признание экономического убийцы"
01.05 "Место встречи"
03.05 "Квартирный вопрос"
04.05 Т/с "Час Волкова"

**МАТЧ!**

08.30, 12.30, 17.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Хоккей. Мужчины. Прямая трансляция из Кореи
10.30, 19.30, 21.35, 00.00 Новости
10.35, 19.35, 21.40, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
15.00, 20.05, 22.30 XXIII Зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
00.10 Все на футбол!
00.40 Футбол. Лига чемпионов. 1/8 финала. "Челси" (Англия) - "Барселона" (Испания). Прямая трансляция
03.05 Волейбол. Лига чемпионов. Женщины. "Галатасарай" (Турция) - "Динамо" (Москва, Россия)
05.05 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Женщины. Канада - Великобритания. Прямая трансляция из Кореи
08.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Хоккей. Мужчины. 1/4 финала. Прямая трансляция из Кореи

**КИНОХИТ**

02.45 "Лучшая жизнь"
04.30 "99 франков"
06.10 "Погребённый заживо"
07.40 "Что-то не так с Кевином"
09.30 "Нефть"
12.00 "Роковая красотка"
13.40 "Это все она"
15.10 "22 пули. Бессмертный"
17.00 "Город грехов"
19.00 "Железный человек"
21.00 "Железный человек 2"
22.55 "Арн - рыцарь тамплиер"
01.05 "Спасатель"

**ТВ3**

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00 Т/с "Измены"
23.45 Х/ф "Каратель"
02.00, 02.45, 03.30, 04.30, 05.15 Т/с "Гримм"

## ЧОРШАНБА — 21 ФЕВРАЛ

**1**

08.00 Новости.
08.15 Телеканал "Доброе утро".
08.50 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане.
10.00 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Лыжные гонки. Мужчины. Женщины. Командный спринт.
11.00 Новости
11.20 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Лыжные гонки. Мужчины. Женщины. Командный спринт.
13.00 "Время покажет".
14.00 Новости
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское".
16.00 "Время покажет".
17.00 Вечерние новости
17.25 "Время покажет".
17.50 "На самом деле".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Т/С "Вольная грамота".
22.40 XXIII зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане.
01.00 Т/С "Медсестра". Заключительные серии.
02.00 Новости.
02.05 "Медсестра".
03.05 "Мужское / Женское".

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Кровавая барыня"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
02.00 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Куба"
21.35 Т/с "Невский. Проверка на прочность"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Д/ф "Признание экономического убийцы"
01.05 "Место встречи"
03.05 "Дачный ответ"
04.05 Т/с "Час Волкова"

**МАТЧ!**

08.30, 12.30, 17.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Хоккей. Мужчины. 1/4 финала. Прямая трансляция из Кореи
10.30, 19.30, 21.00, 00.10 Новости
10.35, 21.05, 00.15, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
15.00, 20.05 XXIII Зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
19.35 XXIII Зимние Олимпийские игры. Конькобежный спорт. Командная гонка преследования. Трансляция из Кореи
21.30 Футбол. Лига Европы. 1/16 финала. ЦСКА (Россия) - "Црвена Звезда" (Сербия). Прямая трансляция
00.40 Футбол. Лига чемпионов. 1/8 финала. "Севилья" (Испания) - "Манчестер Юнайтед" (Англия). Прямая трансляция
03.15 Обзор Лиги чемпионов 12+
03.45 XXIII Зимние Олимпийские игры. Фигурное катание. Женщины. Короткая программа. Трансляция из Кореи
05.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Прямая трансляция из Кореи

**КИНОХИТ**

03.15 "Грозовой перевал (1 серия)"
04.20 "Грозовой перевал (2 серия)"
05.35 "Общество мертвых поэтов"
07.40 "Враг государства"
09.45 "Предатель"
11.35 "Весёлые каникулы"
13.05 "Легенды осени"
15.10 "Тень"
16.50 "Арн - рыцарь тамплиер"
19.00 "Железный человек 2"
21.00 "Железный человек 3"
23.00 "Арн. Объединенное королевство"
01.00 "Покорители волн"

**ТВ3**

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00 Т/с "Измены"
23.45 Х/ф "Акула-Робот"
01.30, 02.15, 03.15, 04.00, 05.00 Т/с "Черный список"

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



# ГАЗЛАНГАН ИЧИМЛИКЛАРНИНГ НИМАСИ ХАВФЛИ?

## ИЧИМЛИК ТАРИХИ

Газланган ичимликлар тарихи британиялик Жозеф Пристлига бориб тақалади, айнан у 1767 йили биринчи бўлиб сувни углерод диоксиди билан бойитишни бошлаб берган. Қараса, газланган муздек сув ҳам мазали, ҳам жазирамада чанқоқни яхши босади. Бу сувни татиб кўрган унинг дўстларини ҳам сувнинг бу хусусияти ҳайратда қолдирди. Шу тариқа газли сув (чет элларда уни содали сув дейишади) бошқа мамлакатларда ҳам урфга кира бошлади.

**Газли сув таркибига нималар кириши мумкин:**

- Ичимлик суви
- Углерод диоксиди
- Шарбатлар, мева пюреси, ўсимликлар экстракти
- Шакар ва унинг ўрнини босувчилар (цикламат, сахарин, аспартам ва бошқалар)
- Кислоталик даражасини мувофиқлаштирувчилар (ортофосфор, олма, лимон кислоталари)
- Бўёқ моддалар
- Хушбўйлантирувчилар.

## МЕКСИКА ФОЖЕАСИ

Пристли буюк табиатшунос эди, аммо у айнан газли ичимликни ўзининг энг омадли ихтироси деб ҳисоблаган.

Бироқ у вақти келиб бу ичимлик одамларнинг саломатлигига жиддий путур етказувчи воситага айланиб қолишини билганида нима қиларди?!

Circulation журналининг 2015 йилги сонидаги маълумотларга қараганда, 2010 йили турли-туман газли ичимликлар 184 минг инсоннинг умрига зомин бўлган. Уларнинг 130 минг нафари қандли диабет, 45 минг нафари юрак-қон томир касалликлари, қарийб 6,5 минг нафари саратонга учраб дунёдан бевақт кетган.

Ширин газли ичимликлар инсоннинг ортиқча вазн тўплашига олиб келади, бу алалоқибат қандли диабетга замин тайёрлайди. Қолаверса, катта миқдордаги шакар (газли ичимлик оддий сувга қараганда кўп миқдорда ичилади) юрак-қон томир тизимига шикаст етказади. Ва ичаклардаги микробиомларнинг бузилиши ўз асоратларига эга.

Газланган ичимликлардан энг кўп Лотин Америкаси, биринчи навбатда Мексика халқи жабр кўрмоқда. Уларнинг овқатлари ўта ёғли, одамлари камҳаракат, газли сувларни эса кўрдим дейишмайди. БМТ ҳисоб-китобларига қараганда, ўртача бир мексикалик йилига 163 литр (!) газли ичимлик ичаркан.

## БУ СЕНГА МУМКИНМАС, БОЛАЖОН!

Болаларимиз газли ичимликлар шайдоси, буни ҳаммамиз биламиз. Австралиянинг Аделаида университети стоматологлари таъкидлашларича, бу ичимликни ичгандан сўнг орадан ярим дақиқа ҳам ўтмасдан тишларимиз эмали емирилишни бошлайди. Ҳатто тишларни ювиб ташласак ҳам барибир асорати қоларкан.

## ФАҚАТ МЕНИНГ МИЯММАС

Узоқ йиллар тадқиқот олиб борган америкалик олимлар ҳам газли ичимликлар билан боғлиқ нохуш ҳолатни аниқлашди. Stroke журналида ёзилган мақолага кўра, кимда-ким газланган ширин ичимликларни мунтазам истеъмол қилиб юрса, унинг хотираси сусайиб, гиппокампи торайиб бораркан. Гиппокамп — миянинг хотирага ва маконда ҳаракатланишга жавобгар қисми.

## "ШАКАРСИЗ" ШАКАРМИ — ФОЙДАСИ ЙЎҚ

Шакарнинг ўрнини босувчи моддалар ишлатилган газли ичимликлар шу пайтгача зарари кам деб ҳисобланарди. Бироқ тадқиқотлар бунинг аксини кўрсатмоқда, бу ичимликлар инсулт ва деменция (орттирилган ақлий заифлик) хавфини уч бараварга ошириб юбораркан.

## БУЙРАККА ЗАРБА

Жазирама иссиқ тафтини доим газли ичимликлар билан босиш — энг яхши йўл эмас. Икки йил давомида ўз ҳамкасблари устида тадқиқот ўтказишган Осака олий тиббиёт мактаби нефрологлари хулосаси шу: сиз кунига икки порциядан газланган ичимлик ичишга одатландингизми, унда буйракларингизга жиддий шикаст етказишингиз ҳеч гап эмас.

**МАВЗУДАН ЧИҚМАЙ**



## ВИРТУАЛ ЛИМОНАД

Сингапур Миллий университетида виртуал лимонад ўйлаб топишди. Муаллифларни шу савол қизиқтирганди: “Одамлар интернет орқали овқат ва ичимликлар суратини жойлаштиришади. Интернетга ичимлик таъмини қўйиш мумкинмасми?”.. Кейин ақлли тизим яратишди: унда махсус сенсорлар лимонаднинг ранги ва нордонлигини аниқлайдида интернет орқали бу маълумотларни датчиклар ўрнатилган оддий сув тўлдирилган стаканга жўнатади. Датчиклар тилдаги таъм рецепторларини уйғотади, нордон таъм тасаввурини қолдиради, светодиод лампалар эса ранг беради. Энди жамоанинг олдида турган вазифа: қандай қилиб бўлмасин, ҳидни узатишни ўзлаштириш — ана ўшанда виртуал лимонадни энг ширин ва мутлақо безарар ичимлик сифатида тақдим этса бўлади.

## КРОССВОРД

**ЭНИГА:** **1.** Инкор сўз. **6.** Мусо Тошмуҳаммад ўғли. **9.** Мижоз, фойдаланувчи. **10.** Жаноб ... (хонанда). **11.** Катта кўзгу. **12.** Қалбаки, ясама. **13.** Қадимги "фил". **16.** Бразилияда қашшоқлар яшайдиган уй, кулба. **17.** Жирафа тури. **18.** Зангламас металл. **19.** "... ва қонун" (бадиий филм). **20.** Бадиий тасвирлашда сюжет. **23.** Япон архипелагидаги орол. **29.** Италян спорт автомобили. **30.** Алоқа тури. **31.** Халқ шифокори. **32.** Чақмоқ, яшин. **33.** Вертолётнинг парраги. **34.** Кимёвий модда.

**БЎЙИГА:** **1.** Тетик. **2.** "Шоҳнома" қаҳрамони. **3.** Ҳимоя воситаси. **4.** Австралия халтали жонивори. **5.** Қурилишнинг асосий ашёларидан бири. **6.** Шимолий Америкадаги пойтахт шаҳар. **7.** Белгиядаги шаҳар. **8.** Канцелярия буюми. **14.** Ҳовли. **15.** Тиш дўхтир. **16.** Аёллар бодибилдинги. **20.** Ер эгаси. **21.** Қўрғошин, сурма ва мис қотишмаси. **22.** Америкалик бастакор. **24.** Касални фош қилади. **25.** Натижа; меҳр. **26.** Ғам-ғусса. **27.** Қатъият. **28.** Тиканли жонивор.




## БОШҚОТИРМА

### ЖОСУСНИНГ ТУТИЛИШИ

Биринчи жаҳон уруши йиллари Россия ҳудудида германиялик бир жосусни фош қилишади. Фронт ортида иш олиб борган бу жосуснинг қўлга тушишига икки омил сабаб бўлган дейишади: биринчидан, очарчилик, иккинчидан, кўча болалари...

**Топинг-чи, немис жосуси ўз хатларини қандай қилиб жўнатган?**

**(Жавоби келгуси сонда.)**

**Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби**

*ХОККЕЙ ВА ...*

*Калгаридаги хоккей аренаси шаклан от эгарини эслатади. Ҳар ёз бу ерга яқин жойда "Calgary Stampede" ("Кэлгари стэмпид") родео-фестивали ўтказилади.*



# ДИЙДОР УЧУН ТАШАККУР

*„Интернет ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. У рафиқам иккимизнинг тўла маънода дўстимиз, энг яқин ёрдамчимиздир"*

Менинг ишлаш даврим симли телефондан ҳар-ҳар замонда, унда ҳам туман ички ишлар бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган қўшним Ҳасан ака Валиевнинг хонадонидаги телефондан фойдаланган ҳолда ўтди. Ўша вақтда аҳвол шунақа — симли телефон "отлиқ"ларнинг ҳам, корхона-ташкилотларнинг ҳам ҳаммасида йўқ, одамлар зарур иши чиқиб қолса қишлоқда бир ёки икки хонадонда бор алоқа воситасидан фойдаланганини югурар эди. Ҳа, ҳозирги кексаларнинг деярли барчасининг ёшлиги ана шундай кечган.

Энди-чи? Бугун оиламнинг ҳар бир аъзосида алоҳида мобил телефон, уйимда эса симлиси. Юртимдаги бугунги ўзгариш бизни янада кўпроқ яшашга, яшаганда ҳам завқланиб, шукроналикда умр кечиришга ундайди.

Ўтган жума куни масжиддан келиб, дам олиб ўтирсам, неварам "Xabar" газетасини қўлимга тутқазди (гарчи уйимизда алоқачилар бўлмаса-да, ахборот технологиялари янгиликларидан хабардор бўлиб бориш учун бу газетага доимий обуна бўлишади). Кўзойнагимни қўлимга берар экан, бир мақолани ўқиб чиқишимни тавсия қилди. Мақолада мен каби ёши улуғларга қарата компютерни ўрганиш, интернетдан фаол фойдаланишга даъват этишган экан. Бу асосли фикрларни ўқир эканман, ўйланиб қолдим. Ахир мен ҳам интернетнинг чексиз имкониятларидан фойдаланяпман-ку!

Мана, неварам Ихтиёржон Австралиядаги тиббиёт олийгоҳларидан бирида ўқийди. Шу интернетни ўйлаб топганларга ҳам, ундан фойдаланишимиз учун имконият яратиб берган ҳукуматимизга ҳам минг раҳматки, олис юртдаги неварам билан ҳар куни гаплашамиз. Нафақат гаплашамиз, балки ўзини кўриб, товушини ҳам эшитамиз.

Ҳар тонг ўғлим Орифжон совға қилган планшетимга SMS келади: Бобожон, бувижон! Яхши ётиб турдингизми, кунингиз хайрли ўтсин. Кечқурун куни қандай ўтгани ҳақида "ҳисобот" бериб, хайрли тун тилайди. Рафиқам Ортиқпошшо невараларидан SMS ёзиб, жўнатишни ўрганиб олибди.

Хуллас, интернет ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган. У рафиқам иккимизнинг тўла маънода дўстимиз, энг яқин ёрдамчимиздир.

**Рауф ВОҲИДОВ,**
**фахрий муаллим,**
**Қуйичирчиқ тумани**

ЕТТИДАН ЕТМИШГАЧА



# КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



## 1-ДАРС. Компютер билан танишув

Бир пайтлар ўқиш-ёзишни ўрганиш қанчалик муҳим бўлган бўлса, бугун компютер ва интернетдан фойдаланишни ўрганиш шунчалик керак. Кўплар компютер қаршисига биринчи марта ўтираркан, ундаги саноқсиз тугмалардан боши айланади, компютер "сичқонча"сини журъатсизлик билан тутади. Аммо асло қўрқманг! Компютер шундай ясалганки, ундаги тугмаларни бехосдан ёки хато босиб юбориш унинг бузилишига олиб келмайди. Энг муҳими, унинг ишлаш тамойилига тушиб олишда оддий, осон дастурлардан тортиб энг мураккаб дастурларгача ана шу "чизиқ"дан чиқмайди.

### Компютер ва интернет нега керак?

**Унинг ёрдамида:**

- Матн билан ишлаш (ҳарф териш, уларни таҳрир қилиш, компютер хотирасида сақлаш, шу принтерга уланган принтерда қоғоз шаклини чиқариш)
- Глобал тармоқ — интернетга уланиш
- Давлат электрон хизматларидан фойдаланиш (энг оддий мисол: сиз солиқлар бўйича қарздор ёки қарздор эмаслигингизни уйингиздаги интернет орқали билиб оласиз (юзлаб бундай хизматлар бор, дарсларимиз давомида уларга батафсил тўхталамиз, қандай фойдаланиш йўлларини ўргатамиз)
- Коммунал тўловлар тўлаш (табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви ва бошқаларга уйингиздан туриб тўлов қиласиз)
- Керакли маълумотни топиш (масалан, об-ҳаво маълумотини ёки ўзингиз керакли шифохона манзилини, телефонларини, қандай касалликларни даволашини билиб олишингизда яна сизга компютер ва интернет кўмакка келади)
- Мусиқа тинглаш, кинофилмлар томоша қилиш, дўстларингиз ва яқинларингиз билан онлайн мулоқот қилиш (кўплар севимли сериали бошланиш пайтини кутиб ҳалак бўлади, интернет орқали эса бир ўтиришда "бир ойлик норма"ни бажариб қўйишингиз ҳам мумкин. Кинофилмларни айтмаса ҳам бўлади, хоҳланг севимли режиссёрларингиз, хоҳланг актёрлар бўйича қидириб кўрсангиз юзлаб-минглаб филмларни топасиз — ўзимизда ҳам бу сервисларни кўрсатувчи веб-сайтлар сони анча кўпайиб қолган) мумкин.

### Компютер қандай тузилган?

Информатика дарсларидан ҳаммамизга маълум ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси) — бу компютер. У дастур асосида ишлайди. Дастурнинг вазифаси рақамларни биз тушунадиган тилга ўгириб беришдир: сўз, мусиқа, тасвир, ранглар ва ҳоказо (рақамлаштириш, рақамли технологиялар дегани ҳам мана шу аслида, ҳеч қанақанги мураккаб жойи йўқ). Бундан ташқари, фотосуратларга ишлов бериш, интернет тармоғида видеомулоқотни амалга ошириш учун қўшимча дастурлар ўрнатилади. Умуман олганда, компютернинг энг катта устунлиги универсаллиги, уни истаган йўналишга солса бўлади, ҳисобчилар ўз дастурини ўрнатса — тайёр иш қуроли, ўйинлар ўрнатилса — болажонлар учун ўйин қурилмаси. Хуллас, ошхонада таом тайёрлашдан тортиб фазо кемаларини учиришгача эплайди. Мана, унинг сири нимада!



1.1

Компютер қурилмалари тамойилан ахборот билан ишлаётган одам моделини эслатади. Унинг "мияси" бор — **тизим блоги** (1.1). Ахборотни ишловчи ва узатувчи қурилмаларнинг ҳаммаси шу ерда жам бўлган. Компютернинг хотираси ҳам шу ерда, тизим блогида жойлашган. Агар жоиз бўлса, тизим блогни автомобил двигателига ўхшатиш мумкин, ҳамма ишни у бажаради, аммо биз буни кўрмаймиз.

Компютер нималардан ташкил топган:

- Тизим блоги
- Монитор
- Клавиатура ва "сичқонча".



1.2

Компютерда ишлашда "учлик" тандем (монитор, клавиатура ва "сичқонча" (1.2) доимий ҳамроҳимиз бўлади.

**Монитор.** Айнан рўпарамиздаги экран, яъни мониторга қараб биз берган топшириқни компютер қандай бажарганини кўрамиз.

**Клавиатура ва "сичқонча".** Клавиатура компютерга ҳарфлар, рақамлар, клавиш буйруқларини узатади. "Сичқонча" эса сиз экранда кўриб турган объектларни белгилаш ва бошқариш имконини беради.

### Қанақа компютерлар бор?

**Шахсий компютер** (1.3). Бу компютерлар номидаги "шахсий" нисбий сўз, шунчаки инглизчадан тўғридан-тўғри таржима қилинган, руслар, масалан, қўшимчасига "настольный компьютер" (стол компютери) ҳам дейишади. ШК тизим блоги, монитор, клавиатура ва "сичқонча"дан иборат.



1.3

**Ноутбук** (1.4) — шахсий компютернинг ихчам шакли. Қулайликлари: ўзингиз билан олиб юришингиз мумкин, электр тармоғидан узилганда ҳам 2-3 соатгача ишлаб беради, имкониятлари "катта компютер"никидан деярли қолишмайди. Унинг мотори, яъни процессори клавиш панелининг остида жойлашган. Бунинг функция ва имкониятларига қараб турлари кўп: нетбук, хромбук, ултрабук, трансформерлар (буларга ҳали алоҳида тўхталамиз).



1.4

**Планшет** (1.5). Охирги йилларда анча урфга кирган бу компютерлар бор-йўғи экраннинг ўзидан иборат. Қулайликлари: доим ёнингизда, интернетга киради, телефоннинг ҳам вазифасини бажаради, электрон китоблар ўқиб, фотосурат ва видеолар олса бўлади. Унга клавиатура ва "сичқонча" ҳам керакмас — ҳаммаси экраннинг ўзида бармоқлар ёрдамида бажарилади.



1.5

**(Давоми кейинги сонда.)**

Сабоқларимизни кузатиб боринг! 2-дарсимизда компютер клавиатурасини ишлатишни ўрганамиз.

ИНСОН ВА РОБОТ



## ТЕМИРТАНЛАР ЎН МИНГ ИШЧИНИ ИШСИЗ ҚОЛДИРАДИ

Apple компаниясининг iPhone смартфонларини тайёрлашдаги асосий ҳамкори, Тайваннинг Hon Hai Precision Industry (у Foxconn Technology номи билан кўпроқ машҳур) компанияси 2018 йил давомида суюқкристалл дисплейлар чиқарувчи Innolux бўлимининг ходимлари сонини анчагина қисқартирмоқчи.

Компаниянинг фахрий раҳбари Туан Син-Чен шундай деган: “Бу йил охирига қадар биз глобал миқёсда ходимларимиз сонини 60 мингдан 50 минггача қисқартирмоқчимиз”. Туаннинг айтишича, бу йил компанияда ишлаб чиқариш 75 фоизгача автоматлаштирилади.

Innolux дисплейлари Apple, HP, Dell, Samsung Electronics, LG Electronics, TCL, Hisense, Panasonic, Hitachi ва Sharp сингари таниқли брендларнинг телевизорлари, ноутбуклари ва смартфонларида қўлланилади.

ХАВФСИЗЛИК

## DROIDCLUB БОТНЕТИ АНИҚЛАНДИ

Trend Micro антивирус компанияси янги Droidclub ботнетини аниқлади. У Chrome браузери кенгайтмаси орқали 400 мингдан ортиқ фойдаланувчининг қурилмаларига дахл қилишга улгурган.



Бу ботнет реклама эълонларини ва “қурбон” кирган сайтларга майнинг учун кодларни тарқатиш билан шуғулланган.

Ҳозиргача Chrome расмий интернет-дўконида Droidclubнинг 89та кенгайтмаси топилди. Google компанияси уларни ўчириб юборди, ботнетнинг команда серверлари эса Cloudflareдан йўқ қилинди.

СУРЪАТ

## ХИТОЙДАН ЯНГИ РЕКОРДЛАР

Хитой саноат ва ахборот технологиялари вазирлиги маълумот беришича, мамлакат компаниялари 2017 йили 1,4 млрд. смартфон ишлаб чиққан. Уларнинг савдо кўрсаткичлари 0,7 фоизга яхшиланган.

Вазирлик бошқа қизиқарли маълумотларни ҳам жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.

Ўтган йили хитойликлар 500 миллион дона мобил телефон чиқариб, бир йил аввалгидан 4,2 фоиз олдинга силжишган.

Ноутбуклар — 172,44 млн.та (+7 фоиз), десктоплар — 48 млн. (+10,6 фоиз), планшетлар — 86,3 млн. дона (+4,4 фоиз).

Хуллас, ҳамма йўналишда ўсиш, фақат ва фақат олдинга.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР

## МУЧАЛ ТЎЙИГА СОВҒА

Twitter компанияси 12 йил деганда, ўз тарихида биринчи маротаба даромадга эришди.

Ўтган чорак сарҳисобига кўра, ижтимоий тармоқ 735 млн. доллар тушум қилиб (йиллик 2 фоиз ўсиш) 91 миллион соф фойда олди. Бир йил аввал компания 167,1 млн. доллар зарар кўрганди.



Даромадга сабаб фойдаланувчилар сонининг сезиларли равишда ошиб бораётгани, тўғри инвестициялар ва савдо ҳажмининг яхшиланаётганидир.

Айни пайтда 330 миллион киши “твиттер”га аъзо бўлган.

АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР

## NOUGAT — АНДРОИДЛАР ЕТАКЧИСИ

Google Play маълум қилишича, ҳозир энг оммалашган андроид бу — Android 7.0/7.1 Nougat.

Nougat айни пайтда ишлатилаётган қурилмаларнинг 28,5 фоизига ўрнатилган; собиқ етакчи — Android 6.0 Marshmallow бир оз ортда қолипти (28,1 фоиз). Учинчи ўринда — Lollipop (24,6 фоиз)

Энг янги Android 8.0/8.1 Oreo мобил амалий тизими эса ҳозирча 1,1 фоизлик улушга эга.

ПХЁНЧХАН-2018

## ҚИШКИ ОЛИМПИАДА МАТБУОТ ХИЗМАТИГА КИБЕРҲУЖУМ УЮШТИРИЛДИ

Пхёнчхандаги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси (POCOG) хабар беришича, ўтган жума куни унинг серверларига киберҳужум кузатилди, бу Қишки олимпиада-2018 бош матбуот маркази IPTV тизимида бир оз узилишларга сабаб бўлган.

Эҳтимолий зарарнинг олдини олиш учун серверлар ҳамда Олимпиаданинг веб-сайти вақтинча ўчириб турилган. Улар эртаси куни тонгги соат саккиздан ишга туширилган.

Ҳужумлар такрорланиши кўзда тутилиб, хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

**С.ТЕМИРОВ** тайёрлади

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## Филиппо Гранди: Сурияда қачон тинчлик бўлади?

БМТнинг қочқинлар масалалари бўйича олий комиссари Филиппо Гранди Сурияда сиёсий йўл билан тинчлик ўрнатиш жараёнлари самара бермаётганлигини танқид қилди. Иорданияга ташрифи чоғида Гранди “Затери” қочқинлар лагерини бориб кўрди ва у ерда матбуот анжумани ўтказиб, сурияликлар қочоқлар аҳволини шарҳлади. “Ҳар ким ўзидан уруш қачон тугайди деб сўрасин. Биз бугун Иордания, Туркия, Ливан, Миср ва бошқа мамлакатларда яшаётган беш миллион қочқинни унутмаслигимиз керак”, деди у.

## БААда имло хатолари учун жарима жорий этилади

Бирлашган Араб Амирликлари кўчадаги ёзувлар ва реклама баннерларидаги имло хатолари учун жарима жорий этган жаҳондаги биринчи давлат бўлади. Абу Даби шаҳар тараққиёти департаменти томонидан шундай қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, грамматик ва имловий хатолар учун 1000 дирҳам, яъни 274 доллар миқдорида жарима тайинланди, бундан ташқари, хатони тўғрилаш ва реклама баннерини қайта чоп этиш харажатлари ҳам жавобгарнинг зиммасида бўлади.

## Ироқни қайта тиклашга киришилди

Туркия Ироқ инфратузилмасини тиклаш учун 5 млрд. доллар миқдорида фоизсиз кредит ажратади. Бу ҳақда Ироқни тиклаш бўйича Кувайтда бўлиб ўтган анжуман якунларига кўра Туркия ташқи ишлар вазири Мавлут Чавушўғлу хабар берди.

Унинг айтишича, Туркия 2004 йилдан бошлаб Ироққа 500 млн. долларлик ёрдам берган. Бу маблағлар аҳолига гуманитар ёрдам бериш ва Ироқни ривожлантириш учун йўналтирилган. Бундан ташқари, Туркия компаниялари Ироқда умумий қиймати 25 млрд. долларга баҳоланувчи лойиҳаларни амалга оширмоқда. Келгусида турк компаниялари Ироқ иқтисодиётига 5 млрд. доллар инвестиция киритади.

## Нидерландия Саакашвилига шахсни тасдиқловчи ҳужжат берди



“Охирги вақт ичида илк бор менда шахсимни тасдиқловчи ҳақиқий ҳужжат пайдо бўлди. Нидерландияга келишим билан менга Европа Иттифоқида яшаш ва ишлашга ҳуқуқ берувчи шасхни тасдиқловчи ҳужжат берилди, барча жараён бор-йўғи бир неча дақиқа олди. Бироқ мен Украина фуқаролигини қайтариш учун ҳар доимгидан қатъийроқдирман, деб маълум қилган Саакашвили ўзининг Facebookдаги саҳифасида.



## Саудиялик аёллар илк бора жиноят қидирув билан шуғулланади

Маълум қилинишича, хоҳловчилар жиддий танловдан ўтадилар ва спорт нормативларини топширадилар. Улар полицияга ва оилавий ярашувни назорат қилиш қўмитасига ишга қабул қилинадилар. Номзодларга қўйилаётган талаблар орасида олий ҳуқуқий маълумот шарти ҳам бор.

Аёл терговчилар жиноят ишларини олиб боришлари, суд ҳукмининг ижросини назорат қилишлари, шунингдек, маҳбусларнинг арзларини қабул қилиб, уларга муносабат билдиришлари мумкин бўлади.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ саудиялик аёлларга автомобил ҳайдаш, спорт тадбирлари ва концертларга бориш, спортнинг қатор турлари билан шуғулланиш учун рухсат берилган эди.

**У.ТОЖИБОЕВ** тайёрлади



# ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ ИККИ ДАРҒАСИ

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказида шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий ва такрорланмас ижодкор Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмларига бағишлаб "Шеъриятимизнинг икки дарғаси" деб номланган адабий кеча ўтказилди. Вилоят марказидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчилари устозлари Гулчеҳра Раҳматова бошчилигида Навоий ва Бобур ижодини кунт билан ўрганиб бораётганликларини буюк шоирларимизнинг шеър ва ғазаллари асосидаги баҳру байт орқали кўрсата олдилар.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила" деган боқий мисралари, шунингдек, Мирзо Бобурнинг "Ким кўрубдур эй кўнгул аҳли жаҳондин яхшилиғ Кимки ондин яхши йўқ кўз тутма ондин яхшилиғ" сингари ўтли сатрлари шу куни назм ва навога алоҳида меҳр қўйган ёшлар ижросида ўзига хос тарзда янгради.

Ахборот-кутубхона марказининг умумий ўқув зали, электрон ўқув зали ҳамда ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш сектори сайъ-ҳаракати билан ўтказилган тадбир доирасида Навоий ва Бобурнинг ўлмас асарларидан иборат китоблар кўргазмаси ҳам адабиёт ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

**Асқар ИСТАМОВ,**
**"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири**

---

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда буюк давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни бошқарма бошлиғи полковник Б.Аденов очиб берди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ЎзМУ профессори Норқул Бекмирзаев ҳамда шоира Собира Бўлдиева Навоий ва Бобур ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилишиб, ғазалларидан ўқиб беришди. "Ниҳол" мукофоти совриндори Мадина Мумтоз, хонанда Зиёвиддин Муллажонов томонидан ижро этилган ҳар икки буюк ижодкор ғазалларига басталанган мумтоз куй-қўшиқлар тингловчилар учун ўзига хос маънавий озуқа бўлди.

**Абдуқодир ОТАБОЕВ,**
**Маданий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицер-клуб бошлиғи, катта лейтенант**

---

Давлат фелдъегерлик хизматида Бобур таваллуд топган кунга бағишлаб ўтказилган "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий санъати" мавзуидаги маърифат дарсида Бобур ва бошқа тарихий шахсларнинг ҳарбийларга хос шижоати, мардлиги, феълатвори ўз ифодасини топгани, камол топаётган ёш йигитлар — фарзандларимиз Бобур фазилатларидан, ҳарбий маҳоратидан ибрат олишлари, шуурларига Ватанга меҳр, миллатга муҳаббат, мардлик, ғурур, ор-номус туйғуларини жо қилмоқлари лозимлиги таъкидланди.

**М.ИМОМҚОРИЕВ,**
**ДФХ бошлиғининг 1-ўринбосари полковник**

---

Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида ўқув бўлими фойдаланувчилари ва "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали ходимлари иштирокида улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Фарғона давлат университети ўқитувчиси Рустамжон Умурзоқов сўзга чиқиб, асрлар мобайнида илҳом манбаи бўлиб келаётган буюк аждодимизнинг болалиги билан боғлиқ асарлар ҳақида гапирди.

Навоий бобомиз болалик — даҳоликнинг, комилликнинг асоси эканлигини, бола образи эса бадиий идеалларни шакллантирувчи восита сифатида гавдалантирган. Маърузачи Алишер тимсоллари яратилган Мирзо Бобур, Ойбек, Иззат Султон, Л.Бат, М.Осим асарларига ҳам тўхталди.

Тадбирга Фарғона санъат коллежи ўқувчиларининг мусиқали дастури, Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ўзгача шукуҳ ва фараҳ бахш этди.

**С. ҲАФИЗОВА**

---

ИМКОНИЯТ

# ЭЛЕКТРОН МАДАНИЯТ ДАВРИ

## Замонавий ахборот-кутубхона муассасаларида мултимедианинг ўрни



Ахборотга бўлган талаб кундан-кун ортиб бораётган бир пайтда ҳар бир соҳа, шу жумладан, ахборот-кутубхона тизими мутахассислари олдига ҳам алоҳида вазифалар қўйилмоқда.

Кутубхоналар ҳар доим инсон ва ахборот ўртасида интеллектуал воситачилик ролини ўйнаган ва бу функция ўзгармади. Нафақат ахборот хизматларига бўлган эҳтиёж, балки мавжуд ахборотларнинг ҳажми катта тезликда ўсиб боряпти.

"Мултимедиа" атамаси "ахборот" тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Электрон маданият даврида кутубхоналар мутахассислари мултимедиа технологиялари, мултимедиа маҳсулотларини яратиш тамойиллари, дастурий таъминот ва фойдаланувчиларга мултимедиа хизматларини тақдим этишни била олишлари муҳим аҳамиятга эга.

Мултимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Мултимедиа — бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Мултимедиа ахборот-кутубхона муассасаларига нима учун керак?

Бу савол кўпчиликни қизиқтириши аниқ, чунки ҳозирги глобаллашув даврида ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳар қандай соҳада талаб қилинмоқда. Бу борада кутубхоналар ҳам четда эмас. Ахборот-кутубхона муассасалари фойдаланувчиларга қулайликлар яратиши, уларни маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириши ва фойдаланувчиларга ахборотларни замонавий шаклда етказиб бериши лозим.

Демак, бунда ахборот-кутубхона муассасаларига қулай ва энг яхши ёрдамчи мултимедиа ҳисобланади. Мултимедиа орқали кутубхона фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда қулайликларга эришиши аниқ. Бунга мисол қилиб, бирор янги асар кўргазмасини олишимиз мумкин. Энди кутубхона мутахассиси фойдаланувчиларга янги адабиётларни кўргазма жавонига қўйиб, ҳар бир китобга библиографик шарҳ бериб, узундан-узоқ вақт сарфламайди. Бунинг учун, аввало, мутахассис компютер саводхонлигига эга бўлиши кифоя. У фондга келиб тушган адабиётларнинг мултимедиа орқали электрон кўргазмасини тайёрлайди.

Фойдаланувчиларга янги адабиётлар библиографик шарҳини қизиқарли ва тушунарли тарзда етказади. Шу билан бирга, мултимедиа нафақат янги адабиётлар кўргазмасида, балки таниқли шоир, ёзувчи ва бошқа адибларнинг ҳаёти ва ижодини ёритиб беришда қулай восита ҳисобланиб, АКМлар томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбирда фойдаланилади.

Муҳим саналар, таниқли адиблар хотирасига бағишланган аудио ва видео маҳсулотлар мултимедиа воситаларидан бўлиб, улар фойдаланувчиларга керакли маълумот ва ахборотларни етказишда кўмаклашади. Бугунги кунда ахборот-кутубхона муассасаларининг электрон хизмат кўрсатиш, компютерлаштириш, ахборот технологиялари ва ҳоказо бўлимлари мавжуд бўлиб, улар асосан фойдаланувчига замонавий шаклда ахборот ва маълумотлар етказишга хизмат қилмоқда. Мултимедиа материалларини ҳам айнан мана шунга ўхшаш бўлимлар ишлаб чиқади ва фойдаланувчиларга етказиб беради. Замонавий ахборот технологиялари орқали хизмат кўрсатиш ахборот-кутубхона муассасаларининг замон билан ҳамнафас эканлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона маркази ҳам фойдаланувчиларга ахборотларни замонавий усуллар орқали етказиш бормоқда. Хусусан, АКМ ўлкашунослик марказларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли у "Тошкентдаги музейлар", "Тошкентдаги театрлар", "Тошкентдаги олийгоҳлар", "Тошкентдаги хорижий институтлар", "Тошкент шаҳар "Билим" ахборот-кутубхона маркази 80 ёшда", "Бизнинг биринчи Президент" мавзуларида мултимедиалар яратган. Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида мултимедиалар асосан ўзбек ва рус тилларида тайёрланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, замонавий компютер технологиялари, мултимедиа ёрдамида ўқувчиларга таълим бериш, уларга ахборотларни сифатли ва аниқ етказиш, қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш келажакда етук ва юқори малакали мутахассисларни камол топтиришда катта ёрдам беради.

**Мадина ҲОЖИАКБАРОВА,**
**Тошкент шаҳар "Билим" АКМ ахборот-библиография бўлими мутахассиси**

Том ПАЧЕКО

# КРИСТИН ЭНН

(Ҳикоя)



Маркус Осборн хонасидаги креслода оёқларини стол устида чалиштирганча ўтирарди. У ўзича, агар ҳозир бирортаси хонамга кириб қолса менинг омадли ва иқтидорли детектив эканлигимга шубҳа қилмайди ва бу фикри нотўғри бўлмайди, деб ўйларди.

Осборн эндигина ўттизга кирган, бўйи баланд, юз қиёфаси жиддий ва қора сочлари қалин эркак эди. У ўзининг кўркам эканлигини биларди. Уч йиллик фаолиятидан сўнг унинг хусусий детектив агентлиги шаҳарда яхшигина обрўга эга бўлганди. У ҳали уйланмаган, лекин севгилиси бор эди. Кўнгилга соя солиб турадиган биргина нарса эса унинг севгилиси турмушга чиққан аёл эканлиги эди. Хона эшигининг уч марта тақиллаши уни хаёлот оламидан воқеликка қайтарди.

— Киринг, — деди у оёқларини стол устидан туширар экан.

Гардишсиз кўзойнак таққан, башанг кийиниб олган, сочлари сийрак ўрта ёшлардаги киши эшикни очди ва ичкарига кириб келди. Детектив ўрнидан турди ва ташриф буюрувчи билан кўришди.

— Марҳамат, ўтиринг. Мен агентлик директори Маркус Осборнман. Хўш, хизмат? — У кўзгу олдида кўплаб марта такрорлаб машқ қилган бу сўзларни ярим ҳаяжон билан айтди.

— Менинг исмим Харолд Жонс, — деди ташриф буюрувчи паст овозда. — Сизни жуда кўпчилик тавсия қилди. Менинг бир нозиккина муаммоим бор, эшитишимча, сизнинг агентлигингиз ишни жудаям эҳтиёткорлик билан олиб борар экан.

Осборн бу сўзларни эшитиб камтарлик билан бош ирғаб қўйди. Мижози юзини четга бурди.

— Тахминимча, хотиним менга хиёнат қиляпти, аммо бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқчиман. Уни кузатишларингизни истайман... У уйдан чиққач қаерга боришини ва ким билан учрашишини аниқлаб беринглар.

— Сизга тўлиқ ва батафсил маълумот берамиз. Маълумот қачон тайёр бўлиши керак?

— Менимча, икки ҳафта бемалол етса керак. Агар бу муддат камлик қилса узоқроқ вақт кузатишингиз мумкин.

— Кўрамиз... Лекин менимча, икки ҳафта етарли.

— Яхши. Мана бу менинг ташриф қоғозим. Мана бу хатжилдда эса хотинимнинг расми ва пул бор. Сизларнинг хизматингиз баҳосидан хабардорман. Қанча пул кетса сарфлайверинглар.

— Хотинингизнинг исми нима?

— Кристин Энн.

Осборннинг нафаси бўғзига тиқилиб қолди. Кристин Энн унинг севгилиси эди. Бу киши унинг эри экан-да. У хатжилдни очди ва ўзини босиб олиш учун вақтдан ютиш умидида сурат ва чекка тикилди. Жонс унинг бу жиддийлигини ишга зудлик билан киришиш деб тушунди.

— Ишга жон-жаҳдингиз билан киришадиган одам эканлигингиз кўриниб турибди. Келаси сафар кўришганимизда менга батафсил маълумот беришингизга ишончим комил. Хайр.

Маркус ниҳоят тилга кирди.

— Хайр, жаноб Жонс, — деди у ўрнидан туриб, мижозини эшиккача кузатиб қўяркан.

Жонс кетгач, Маркус яна жойига ўтирди. У карахт бўлиб қолганди. У жавонни очди ва ичидан бир шиша виски билан стакан олди. У вискидан қуйди ва ичкилик ҳўплаганча энди нима қилиш кераклигини ўйлай бошлади.

Унинг янги мижози Кристин Эннинг эри. “Унчалик ҳам кўримли эмас экан, — ўйлади у. — Кристин у билан ажрашиб менга тегишни исташи бежизга эмас экан. Бундан ташқари, у мени жудаям севади”.

У мижозига ҳақиқатни етказа олмасди. Аммо барибир маълумот бериши шарт.

У ишни агент Скотт Палмерга топширишга ва икки ҳафталик кузатув давомида Кристин Энн билан учрашмай туришга қарор қилди. Кристиннинг эри унга қандай вазифа топширганини севгилисига кейинроқ, маълумотни бериб бўлгач айтади. Улар унинг устидан мириқиб кулишади.

Икки ҳафтадан кейин Скотт Палмер, ўз ишини чин дилдан адо этувчи йигирма бир ёшли йигит Осборннинг хонасига кириб келди.

— Жонснинг ишини ниҳоясига етказдим. Эртага эрталаб маълумот столингиз устида бўлади.

— Зўр! Яна бир нарса. Илтимос, жаноб Жонсга қўнғироқ қилиб эртага эрталаб соат ўнда хонамга келишини айтиб қўй.

— Хўп. Эртагача.

Эртасига эрталаб Жонс Осборннинг олдига келганида Скотт маълумот ёзишни ҳали тугатиб улгурмаганди.

— Хайрли тонг, жаноб Жонс. Ўтиринг. Қаҳва ичасизми? — деди Осборн.

— Яхши бўларди. Раҳмат.

Осборн пластик стаканга қайноқ қаҳва қуйди, шакар ва қаймоқ солиб Жонсга узатди.

Улар эндигина қаҳвадан ҳўплай бошлашган пайтда хонага Скотт кирди ва Жонс билан кўришгач, хўжайинига маълумот солинган жилдни топширди. Осборн маълумотнинг асл нусхасини олди ва дарҳол мижозига узатди. Маълумотнинг иккинчи нусхасини эса тескари ҳолатда олдига қўйиб қўйди.

Жонс маълумотни бир туки ҳам ўзгармай ўқиб чиқди. У ўқиб бўлгач, Осборнга тикилди ва деди:

— Учта.

— Кечирасиз?

— Мен шу нарсадан қўрққандим. Атиги икки ҳафта ичида уч киши.

— Нима тўғрисида гапиряпсиз?

— Сиз тайёрлаган маълумот. Батафсил ёзилибди. Икки ҳафта ичида у учта эркак билан учрашишга улгурибди.

Осборн бу сўзларни эшитиб бир қалқиб тушди. Оғзидаги қаҳваси тўғри олдидаги маълумот ёзилган қоғозга тушди.

— Нима? Кечирасиз, — деди у.

У қаҳва тўкилган ҳар бир варақни артганча маълумотни ўқишга киришди.

Ўқишни тугатгач, у ўзини ҳолсиз ва гўлдек ҳис қилди. Осборн бор кучини йиғиб мижозига тикилди. Мижози эса аста сўз қотди:

— Дунёда биз умуман ишониб бўлмайдиган аёллар ҳам бор, шундай эмасми?

**Инглиз тилидан**
**Дилшодбек АСҚАРОВ**
**таржимаси**



Чарлз ДИККЕНС,
инглиз ёзувчиси

## Ҳақиқат ва ёлғон ҳақида

Ёлғонлар борки, инсонларга қанот бағишлаб, уларни самога олиб чиқади. Аммо аччиқ ва шафқатсиз ҳақиқатлар борки, улар инсонни қўрғошин занжирлар каби ерда ушлаб туради.

Ҳақиқат ҳар доим жасурдир.

Ёлғон у ошкора ёки махфий бўладими, айтиладими ёки айтилмайдими, у барибир ёлғонлигича қолиб кетаверади.

## Болалар ҳақида

Болаларга бу кичик оламда ҳеч нарса адолатсизликдек қаттиқ таъсир кўрсата олмайди.

— Менимча, сизнинг ўғлингиз бор, а? — деб сўради жаноб Домби.

— Тўрт нафар, сэр. Тўрт ўғил ва бир қиз. Барчалари соғлом.

— Ҳаа, нимасини айтасиз. Уларни боқишга кучингиз етмаётгандир? — деб сўради жаноб Домби.

— Аммо бир нарса борки у менга доимий куч бериб туради, сэр.

— Айнан нима?

— Уларни йўқотишдан қўрқиш, сэр.

ТАДҚИҚОТ



# Китоб ўқиб беринг, дадажон!

Гарвард университети тадқиқотчилари шундай хулосага келишди: Болаларга уйқудан аввал китобни оналар эмас, оталар ўқиб берса, болалар яхшироқ ривожланади.

Уйқудан аввал фарзандларга китоб ўқиб бериш одатда оналар билан боғлиқ, лекин оталар ўқиганда алоҳида таъсир кўрсатар экан. Тадқиқот устида ишлаган Элизабет Дуурсма таъкидлашича, эркаклар ва аёллар бу вазифага турлича ёндашишар экан. Аёллар кўпроқ фактлар билан боғлиқ саволлар берар экан. Масалан: "Нечта олма кўряпсан?" Оталар эса бола тасаввурини кенгайтирадиган саволлар берар экан. Масалан: "О, қара! Олма! Эсингдами, фермага олма тергани боргандик?" Бу ўз ўрнида боланинг луғат бойлиги ошишига олиб келади, чунки бола ота берган саволларга жавоб бериш ва суҳбатни давом эттириш учун янги сўзлар қидиришга ҳаракат қилади.

Тадқиқотчи айтишича, оталар ўз фарзандларига 2 ёшга тўлмасдан китоб ўқишни бошласа, бола тезроқ ривожланар экан. Оталар китоб ўқишидан, айниқса, қизлар кўпроқ ривожланиши кузатилган.

Америка мактабларида фарзандлари бошланғич синфда ўқийдиган ота-оналарга кундалик топшириқ келади: "Фарзандингизга кунига камида 20 дақиқа китоб ўқиб беринг". Бора-бора, бола ўқишни ўрганиши билан, кунига 20 дақиқа мутолаа топшириғи болага ўтади. Ва бу одатга айланади.



Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университети ташкил этилади.

# ҚОНАРБАЕВ ЯРАТГАН ДАСТУР

## Болаларга инглиз тилини ўргатишда ёрдам беради

*Фан ва техника соҳасидаги ҳар қандай янгиликнинг асоси бу компютер ва ахборот технологияларидир.*

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали профессор-ўқитувчилари Давид Қонарбаевга катта ишонч билдиришган. У компютер инжиниринги факултетига энг юқори балл билан грант асосида ўқишга кириб, қобилиятли, билимга қизиқувчан ёшлар қаторидан ўрин олган.

Давид ўзининг ўткир зеҳни билан инновацион ғояларни ҳаётимизга татбиқ этаётган ёш дастурчи тенгдошлари орасида ажралиб туради. Филиалимизда бўлиб ўтаётган фан олимпиадаларида ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол. У Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамда "Ёш дастурчи" олимпиада жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи филиал бошланғич ташкилотининг Инновацион ғояларни ривожлантириш йўналиши етакчиси.

Ўтган йилнинг 19-20 апрел кунлари Тошкент шаҳрида "Чет тилларини ўргатувчи энг яхши дастур ва қурилмалар" республика танлови ўтказилган эди. Давид Қонарбаев шу танловда 3-ўринни эгаллади. "Qalpaqsha" дастури барча амалий тизим ва қурилмаларда ишлайди. Болаларга инглиз тилининг алифбосини ўргатишга ёрдам берувчи бу дастур 26 бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бири бир ҳарфга асосланган. Интерфейси тўрт (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз, рус) тилларида ишлайди.

Дастур учун JavaScript — дастурлаш тилидан фойдаланилган.

Бундан ташқари, "Дастурий инжиниринг" кафедраси ассистент-ўқитувчилари Н.Татлмуратов, Ш.Ядгаров, А.Кадров билан биргаликда "ARDUINO" робототехника ишланмалари яратилишига ўзи ҳиссасини қўшди. ARDUINO бу — автоматика ва робототехника тизимларини ишлаб чиқиш аппарат-дастурий қуроли бўлиб, турли асбобларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. ARDUINO ёрдамида сигнализация, дрон, датчик, робот, ақлли уй, турникет каби қурилмаларни яратиш мумкин.



**Суратда:** Д.Қонарбаев (ўнгдан биринчи) ўз дастурини намойиш қилмоқда.

**Казбек ЕРГАЛИЕВ,**
**ТАТУ Нукус филиалининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси**

Ички туризм

# МАРОҚЛИ САЁҲАТ

Корхонамиз раҳбариятининг ташаббуси билан ходимлар учун республикамизнинг кўҳна қадамжоларини зиёрат қилиш режаси ишлаб чиқилган. Яқинда мазкур режага мувофиқ 30 кишилик гуруҳ Хива шаҳрига саёҳатга бордик.

Саёҳат давомида довруғи дунёга машҳур Ичанқалъа давлат музей-қўриқхонаси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Нуруллабой саройи, Куня Арк, Жума масжид минораси, Тошҳовли сингари қадамжолар билан яқиндан танишдик.

— Хива ҳақиқатда жудаям чиройли шаҳар экан, — дейди корхона бош ҳисобчиси Ҳикматиллахон Сайдивалиев. — Бу ерда ўзимни худди қадим тарихга тушиб қолгандек ҳис қилдим. Барча юртдошларимизни Хивага келиб, муҳташам обидаларни томоша қилишга чорлаб қоламан.

Йил давомида кичик-кичик гуруҳларда бошқа ҳамкасбларимиз учун ҳам саёҳатлар ташкил этилади. Бу билан биз мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшаётганмиздан хурсандмиз.

**Ҳабиба РАСУЛОВА,**
**"UNICON.UZ" ДУК касаба уюшмаси қўмитаси раиси**

ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"SVYAZ AVTOMAT MONTAJ" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2016 йил 7 ноябрда берилган АА серияли 0006018 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2016 йил 17 февралда берилган АА серияли 0005785 рақамли;

"TELECOM DIRECTION" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2016 йил 2 февралда берилган АА серияли 0005773 рақамли;

"GRAND MOBILE PROJECT" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш фаолиятига 2017 йил 20 февралда берилган АА серияли 0006105 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 7 февралдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганлиги учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатини бузганлиги учун қуйидаги:

"ELEKTRTARMOQQURILISH" акциядорлик жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2015 йил 3 ноябрда берилган АА серияли 0005719 рақамли;

"ELEKTRTARMOQQURILISH" акциядорлик жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2015 йил 3 ноябрда берилган АА серияли 0005720 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2018 йил 8 февралдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

## Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Кафедра мудирлари:

"Чет тиллари" кафедраси — 1, "Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти" кафедраси — 1, "Телекоммуникация инжиниринги" кафедраси — 1, "Телестудия тизимлари ва иловалари" кафедраси — 1

### Доцентлар:

"Чет тиллари" кафедраси — 1, "Компютер тизимлари" кафедраси — 1, "Жисмоний маданият" кафедраси — 1

### Катта ўқитувчилар:

"Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси — 1, "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш" кафедраси — 1, "Информатика асослари" кафедраси — 1, "Ахборот технологиялари" кафедраси — 1, "Электроника ва радиотехника" кафедраси — 1, "Энергия таъминлаш тизимлари" кафедраси — 1, "Менежмент ва маркетинг" кафедраси — 1

### Ассистент (ўқитувчи)лар:

"Телерадиоэшиттириш тизимлари" кафедраси — 1, "Чет тиллари" кафедраси — 1, "Информатика асослари" кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел: 238-64-06**

## "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди

ҳисобрақамига 2018 йил 12 февралда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сонли фармойишига асосан "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди" томонидан 150 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Ушбу маблағ "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Абдумалик Абдулазизов номига Яккасарой тумани, Сафдош кўчаси, 19-60 хонадонга берилган уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси ишлар бошқармаси ҳайдовчиси **М.НОРМУҲАМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТ – ИНТЕРНЕТ

Бозорда ҳамқишлоқ дугонамни учратиб қолдим. Хушчақчақ, хушхол юрадиган бу аёл аллақандай маҳзунгина кўринди.

— Қуда қуллуқ бўлсин. Тўй қачон?

Унинг бирдан ранги ўчиб, кўзларида ёш ғилтиллади:

— "Қизлари бизга тўғри келмади. Сотка ишлатаркан", деб айттирворишибди. Шунга...

Ана холос. Ҳозир педагоглар замонавий телефонлар, ноутбуклар ишлатмаса бўладими. Ишига, билим доирасини ошириб боришига керак-ку!

— Ибосию ҳаёси бир чиройига ўн чирой қўшадиган қизингиз бор. Асло куйинманг. Ўқитувчи қизларнинг харидори кўп бўлади. Бахти иқболи бир жойда тургандир. Очилади кетади. Мана, мени айтди дерсиз.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Ҳозир у бахти тўкис оила бекаси. Жамоаси, ота-оналар, ўқувчиларининг меҳри-ҳурматини қозонган муаллима. Аммо тан олиш керак, қизлари бор оилалар андак чўчиброқ қолишгани рост. Бир анжуманда нозик диди, фасоҳати, дилбар шеърияти билан танилган шоира билан ёнма-ён ўтириб қолган эканмиз. Тадбир бошлангунга қадар у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Суҳбатимиз айланиб шу мавзуга тўхтади.

— Биласиз. Менинг ҳам қизларим бўйи етиб қолди. Дадамиз билан бамаслаҳат ҳаммамизнинг телефонимиздан фейсбукларни ҳам, телеграммларни ҳам олиб ташладик, — деди у хижолатомуз. — Қизларимга ишонаману фақат... эҳтиёт шартда...

Таажжуб... қизлари худди ўзидек вазмин, зукко, хушхулқ бўлса, олийгоҳларда ўқишаётган бўлса... Нимадан ҳадиксирайди-я?

> Илм йўлига тушган ёки олий таълим олишга бел боғлаган қизлар, умуман барча ёшларни ахлоқсизликни, вайронкорликни, инсоният маънавиятига зид бўлган сайтлар ўзига сира-сира торта олмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку!

Интернет – бало, интернет — хавфу хатар майдони, ёвуз ғоялар макони, дея таърифлашнинг "чиройли самараси"микин бу? Ахборот дунёсидан бехабар, билим доираси пастроқ одамлар, ўзлари учун қоронғу нарсаларни фақат зарар, офат деб тушунмоқдалар. Матбуотда ҳам шундай фикрларга урғу берамизу ижобий томонларини тил учида санаб ўтамиз. Мақолалар бошдан ахир ахборот таҳдидларига тўлиб-тошади. Телефон, интернет нафақат қулай алоқа воситаси, балки ахборот алмашишнинг, билим олишнинг тезкор омили, жамиятимизда юз бераётган ижтимоий ва сиёсий янгиланишларни кузатиб борибгина қолмай, уларга нисбатан шахсий фикр билдиришнинг оммабоп усули ҳамдир.

Хуллас, фикримча, аҳолининг кенг қатламлари интернетдан тўғри ахборот олиш маданиятини эгаллашлари жараёнларини бироз кечиктириб юборяпмиз. Ўзимиз интернетга осилганча оқни қорадан ажратишга қодир бўлмаган болаларимизни ўз ҳолига ташлаб қўяверсак, виртуал оламдан ёғилаётган ахборот оқимларининг қай бири керагу қай бири нокерак-зарарлигини билмаган болани ўз ҳолига ташлаб қўйсак. Бу кечириб бўлмас лоқайдлик-жиноятдан бошқа нарса эмас-ку!.

Шундай давом этаверса, нима бўларди – ғоявий таҳдидлардан қочиб қутулолмаслигимиз тайин. Зарарига ёпишиб олиб, фарзандларини мобил алоқага мутлақо яқинлаштирмаётган ота-оналар кўплиги ҳам бор гап, аччиқ ҳақиқат. Улар учун оч қорним — тинч қулоғим, қабилида яшаш маъқулроқ. Натижада баъзиларнинг назарида беминнат дастёр смартфонлар, интернет — оила парокандалигига, тарбиясизликка олиб келувчи шафқатсиз қуроллигича қолмоқда.

Ваҳоланки, савиясиз кимса қўлида газета ҳам аёвсиз қуролга айланиши ҳеч гап эмас. Бинобарин бола парвариши билан банд ёш оналарга, уй бекаларига аталган нафи жуда катта бўлган сайтлар ишлаб турибди. Эҳ-ҳе, улар жуда кўп — ҳикмат излаган фақат ва фақат ҳикмат топмоқда. Ўзбекистон сайтлари ҳаммаси халқ учун, халқ манфаатлари учун, жамият тараққиёти учун хизмат қилади.

Шу ўринда ТАТУ Фарғона филиали ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, техника фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Толиповнинг фикри билан қизиқдик. У, жумладан, шундай деди: — Талаба қизларимиз вилоят олий ўқув юртлари кўплаб талаба қизлари ўртасидаги инновацион ғоялар танловига ақл-идроклари, ижодий қувватлари маҳсуллари билан келишиб, биринчи, иккинчи ўринларни олишга муяссар бўлдилар. Бу муваффақиятларга турган гапки, интернет тармоқларидаги фан ва таълимга оид сайтларни мунтазам равишда кузатиб бориш, тинимсиз ўқиш, изланиш, билимларини бойитиш туфайли эришдилар. Бу тадбирли ва билимдон талаба қизларимиз астойдил уринсалар, ажойиб мутахассислар, олималар бўлиб етишишга қурблари етади. Келгусида меҳридарё, фозила, мунис, мўътабар она бўлишлари шак-шубҳасиздир. Зотан, олий маълумотли, зиёли оналар солиҳ фарзандларни тарбиялаб, ватанимизнинг ёрқин келажагини яратадилар. Раҳматли устозимиз Фазлиддин Полвонов "Оилада эр ноқобил бўлса, битта ноқобил бўлади, она ақлли, доно бўлса – ҳамма ақлли, доно бўлади", дегувчи эди. Демоқчиманки, имкони борича, қиз фарзандларни, албатта, олий маълумотли қилиш, уларга замонавий билимларни ҳам, исломий билимларни ҳам бериш зарур.

Ҳақ гап. Қизларнинг интернетдаги бой манбалардан бебаҳра қилиш, чеклаш, бизнингча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш, мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожига тўсиқ бўлиш билан баравар. Ўзингиз ўйланг, илм йўлига тушган ёки олий таълим олишга бел боғлаган қизлар, умуман барча ёшларни ахлоқсизликни, вайронкорликни, инсоният маънавиятига зид бўлган сайтлар ўзига сира-сира торта олмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку! Хуллас, интернетни — мақсад-муддаоси эзгулик бўлган сайтлар, каналларни, дўст деб билсак, ўзимизга кони фойда. Улар камолот ва маънавият чўққиларига даъват этади.

Инсон шаъни, ор-номуси ҳар нарсадан ҳам юксакроқ қадрланадиган давлатимиз маънавият борасида бош ислоҳотчи сифатида жаҳон майдонига чиқмоқда. Инсоният маънавиятини юксалтириш, такомиллаштириш борасида барча мамлакатларга ўрнак бўладиган эзгу ишларга киришилдики, бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Мухтасар айтганда, маънавиятимизнинг ўсиши, шу Ватанга муносиб бўлиш учун ҳам ахборот оламидан бохабар яшаш, ишлаш, яратиш қанчалар муҳимлигини ёдда тутмоғимиз фарздир.

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шерзод ШЕРМАТОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ҚОДИРОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент,
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-243 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 9125 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 21.30.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | (0365)600-87-21 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 291-43-28 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |

2 3 4 5 6